

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
З.М. БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**



ТАРИХ ВА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

Тарих бўлими IV курс битирувчиси

ХОШИМОВ ЎТКИРБЕКнинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Норинлик қатағон қурбонлари Ўрозов Ўрмон, Абдурахимов
Қўчқор, Эшматхўжаев Шерматкал, Қўчқоров Отамирзаларнинг ҳаёт
йўли, қисмати ва тақдири**



Илмий раҳбар:

М.Ғ. АБДУЛЛАЕВ
тарих фанлари номзоди, доцент

АНДИЖОН – 2012

**Мавзу: Норинлик қатағон қурбонлари Ўрозов Ўрмон, Абдурахимов
Қўчқор, Эшматхўжаев Шерматкал, Қўчқоров Отамирзаларнинг ҳаёт
йўли, қисмати ва тақдири**

Режа

КИРИШ

**1-боб. НОРИН РАЙОНИДА КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ ВА
«ҚУЛОҚЛАРНИ СИНФ СИФАТИДА ТУГАТИШ» СИЁСАТИ ВА
АМАЛИЁТИ.**

1.1. Норин райони ёппасига коллективлаштириш арафасида.

**1.2. Коллективлаштириш ва қулоқлаштиришнинг ўтказилиши ва
ундаги зўравонликлар.**

**2-боб. 1937-1938 ЙИЛЛАРДАГИ ҚАТАҒОНЛАРНИНГ НОРИН
РАЙОНИДАГИ ФОЖИАЛАРИ**

2.1. Оммавий қатағонларнинг бошланиши ва унинг хусусияти.

**2.2. 1937 йилда Норин районида қатағон қилинганларнинг аянчли
тақдири ва қисмати.**

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

ИЛОВАЛАР

МУНДАРИЖА

КИРИШ 4-8

**1-боб. НОРИН РАЙОНИДА КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ ВА
«ҚУЛОҚЛАРНИ СИНФ СИФАТИДА ТУГАТИШ» СИЁСАТИ ВА
АМАЛИЁТИ. 9-29**

1.1. Норин райони ёппасига коллективлаштириш арафасида 9-15

1.2. Норин районида қулоқларнинг синф сифатида тугатилиши . 15-29

**2-боб. 1937-1938 ЙИЛЛАРДАГИ ҚАТАҒОНЛАРНИНГ НОРИН
РАЙОНИДАГИ ФОЖИАЛАРИ. 30-45**

2.1. Оммавий қатағонларнинг бошланиши ва унинг хусусияти . . 30-35

**2.2. 1937 йилда Норин районида қатағон қилинганларнинг аянчли
тақдири ва қисмати 35-45**

ХУЛОСА 46-48

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 49-50

ИЛОВАЛАР

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик йилларида республикаимиз ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг барча соҳаларида туб ўзгаришлар юз бериб, унинг барча йўналишларида янгиланиш, покланиш жараёни бошланди. 70 йилдан узоқ вақт ҳукмронлик қилган мустабид совет давлати қулаб, ҳукмрон коммунистик мафкура ўрнини миллий истиқлол мафкураси эгаллай бошлади. Энг муҳими, халқимиз узоқ йиллар орзу қилган мустақилликка эришиб, ўз тарихи ва миллий анъаналарини ҳар томонлама ўрганиш, унга эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. Мустақиллик йилларида ўзбек халқи ва унинг кўп минг йиллик тарихи тамоман қайтадан ёзилмоқда, унинг советлар даврида сохталаштирилган, қораланган саҳифалари ҳаққонийлик билан ўрганилмоқда. Халқ маънавиятини бойитишда ва ўзлигини англаб етишда тарих фанининг роли тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистон тарихини ҳаққоний ўрганиш борасидаги ишларга Президентимиз И.А. Каримов раҳнамолик қилмоқда. Юртбошимиз ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли асарида эл-юртимиз ўзининг кўп асрлик тарихи давомида кўплаб машъум хатарларни неча бор кўргани, уларнинг жабру-жафосини тортгани ҳақида тўхталиб, шундай ёзади: “Шундай асоратлар туфайли тилимиз, динимиз ва маънавиятимиз бир пайтлар қандай хавф остида қолганини барчамиз яхши биламиз. Ана шу фожиали ўтмиш, босиб ўтган машаққатли йўлимиз барчамизга сабоқ бўлиши, бугунги воқеликни теран таҳлил қилиб, мавжуд таҳдидларга нисбатан доимо огоҳ бўлиб яшашга даъват этиши лозим. Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бу ҳақиқат кишилик тарихида кўп бора ўз исботини топган”¹.

Ҳақиқатан ҳам, халқимиз советлар ҳукмронлик қилган даврда жуда кўплаб жабру ситамларни бошдан кечирди. Ўзбек халқи маънавиятидан, миллий анъаналаридан ва тарихидан жудо бўлган эди. Айниқса большевиклар томонидан амалга оширилган қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, қулоқлаштириш сиёсатлари, 1937-1938 йиллардаги қатағонлар халқимиз бошига чексиз кулфатлар солди. Бу йилларда миллатнинг энг кўзга кўринган фидойилари, олим-уламолари, давлат ва жамоат арбоблари, шоир ва ёзувчилар шафқатсизлик билан маҳв этилди. Оммавий қатағонлар ўзбек халқи тарихида жуда фожиали из қолдирди, оғир оқибатларга сабаб бўлди.

Совет давлати ўз ҳукмронлиги даврида оммавий қатағонларни босқичма-босқич амалга ошириб, вақти-вақти билан ўзбеклар ичидаги энг кўзга кўринган илғор зиёлиларни, олимларни, шоир ва ёзувчиларни, давлат арбобларини йўқ қилиб турди. Бу каби сиёсат совет давлати қулагунга қадар давом этиб келди. Шу сабабли ҳам советлар даврида миллий кадриятларни ўйлайдиган, ўз халқи келажаги учун қайғурадиган кишилар жуда оз қолган, улар ҳам ўз дилидаги гапларни бемалол айта олмас эди. Советлар даврида бундай ватандошларимиз миллатчи, аксилинқилобчи, босмачи деган номлар билан аталиб келинди. Уларнинг номлари қораланди.

Ушбу номлари қораланиб, ноҳақдан қатағон қилиб юборилган ватандошларимизнинг аянчли қисмати ва тақдирларини тарихшуносликнинг бугунги кун талаблари даражасида ўрганиш муҳим вазифалардан бири саналади.

Муаммонинг ўрганилиш даражаси. Мустақиллик давридагина совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда қатағон қилинганларнинг номлари ўзбек халқининг асл фарзандлари сифатида кадрланди, уларнинг номлари оқлана бошлади. Ноҳақдан қатағон қилинган юртдошларимизнинг хотиралари абадийлаштирила бошланди. Советлар томонидан ўтказилган қатағонлар тарихини ўрганиш ва ноҳақдан қатағон қилинган юртдошларимиз номини аниқлаш ва улар хотирасини абадийлаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти ва

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – 4-5-бетлар.

Вазирлар Маҳкамасининг бир канча фармон ва қарорлари эълон қилинди. Президентимиз И.А. Каримовнинг 2001 йил 1 майда қабул қилган «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида» фармонида шундай дейилади: «Эл-юртимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида, халқимизнинг қадр-қиммати, ор-номусини, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда қурбон бўлганлар хотираси миннатдор авлодлар ёдида абадий сақланиб қолади»².

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги «Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарорида шаҳид бўлган юртдошларимиз номини абадий сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида кўп жилдлик «Қатағон қурбонлари» хотира китобини яратиш ва нашр этиш вазифаси қўйилган эди. Бу қонуний ҳужжатларга асосан Ўзбекистон Республикасида «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси ва музейи ташкил қилинди.

Бу борадаги ишлар Андижон Давлат университетида ҳам амалга оширилмоқда. Бу ерда профессор Р.Т. Шамсутдинов раҳбарлигида 1937-1938 йилларда НКВД «учлик»лари томонидан қатағон қилиб юборилган ўзбекистонликларнинг номлари, яшаш жойлари ва ижтимоий келиб чиқиши келтирилган ва уларга белгиланган жазо чоралари кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар тўпламлари нашр қилинди.³

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги шундаки, унда бирламчи манбалар ва тамоман янги илмий адабиётлар асосида Норин туманидаги қатағонлар ва уларнинг оғир оқибатлари, хусусан, қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш, “қулоқларни синф сифатида тугатиш” сиёсати масалалари, 1937 йилда бошланган сиёсий қатағонлар, норинлик “собик қулоқлар”нинг яна қайтадан қатағон қилиниши жараёнлари ёритиб ўтилди. Битирув малакавий ишни тайёрлашда қатағон қурбонларининг авлодлари хотиралари ва эсдаликларидан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Ушбу битирув малакавий иши Норин туманида коллективлаштириш, қулоқлаштириш сиёсати ва унинг оқибатлари, Норин туманидан қатағон қилинганлар тақдири ҳақида муҳим маълумотларни ўзида жамлаган. Унинг маълумотларидан мазкур мавзу бўйича мактабларда ва олий ўқув юртларида маъруза ва семинар машғулотларини ўтказишда, Совет ҳукуматининг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари мавзуида монографиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Биз ушбу битирув малакавий ишимизда 1937 йилда Наманган вилояти Норин туманининг турли қишлоқларидан қатағон қилинган **Ўрозов Ўрмон, Абдурахимов Қўчқор, Эшматхўжаев Шерматқал, Қўчқоров Отамирзаларнинг** ҳаёт йўли, машғулотлари, қатағон қилиниши сабаби ва

² Халқ хотираси олдида бош эгамиз. Т.: «Шарқ», 2001. 14-бет.

³ Репрессия. 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск 1. /Сост.: Р.Т.Шамсутдинов, Н.Ф.Каримов, Э.Ю.Юсупов. – Т.: Шарқ, 2005. – С. 288. Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари (1937 йил 10 август-5 ноябрь) Иккинчи китоб. – Т.: Шарқ, 2007. – Б. 496. Репрессия 1937-1938 гг. Документы и материалы. Под ред. Н.Ф. Каримова. /Сост.: Р.Т. Шамсутдинов, Э.Ю. Юсупов, А. Мамажонов, Э. Дусматов. Выпуск 3. Жертвы большого террора из Узбекистана. 1937 год ноябрь. – Т.: Шарқ, 2007. Репрессия 1937-1938 гг. Выпуск 4. Жертвы большого террора из Узбекистана. 1937 год, декабрь. /Отв. ред. Каримов Н.Ф., Шамсутдинов Р.Т. //Сост.: Р.Т. Шамсутдинов, М. Абдуллаев, Э. Дусматов, Х. Курбанов. – Т.: Шарқ, 2008. – С. 576. Среднеазиатский кишлак в годы большого террора. Документы и материалы. /Сост.: Р.Т.Шамсутдинов, Э.Ю.Юсупов, С.Хошимов, Э.П.Дусматов. – Андижан: Изд. АндГУ, 2007. – 500 с. Қатағон қурбонлари (1938 йил февраль, сентябрь). Бешинчи китоб. /Таҳрир хайъати Р.Шамсутдинов ва бошқ. //Тузувчилар гуруҳи: Р.Шамсутдинов, Х.Курбанов, Ж.Расулов, Ф.Эгамбердиев, У.Бекимметов. – Т.: «Шарқ», 2009. 416 б.

кейинги тақдирини ўрганишга ҳаракат қилдик. Изланишларимиз натижасида улардан айримларининг авлодларини топишга ва суҳбатлашишга муваффақ бўлдик. Улар асосан қишлоқ фуқаролари бўлиб, деҳқончилик билан шуғулланганлар. Уларнинг барчасига сохта айбловлар билан турли жазо чоралари белгиланган. Биз уларнинг бугунги кунда ҳаёт бўлган авлодлари хотираларига ва бугунгача мазкур мавзу бўйича эълон қилинган илмий адабиётларга таяниб, ўрганилган мавзунини маълум даражада ёритишга муваффақ бўлдик.

Мен ўз ишимда аввало Норин туманининг ёппасига коллективлаштириш арафасидаги қисқача тарихига ҳам тўхталиб ўтдим. Шу билан бирга коллективлаштириш давридаги “қулоқларни синф сифатида тугатиш” шиори остида ўтказилган қатағонлар ҳам ўрганиб ўтилди. Чунки, советлар қулоқлаштириш сиёсати баҳонасида жуда кўплаб илғор кишиларни, деҳқонлар, савдогарлар ва руҳоний диндорларни йўқ қилиб юборган. Ушбу мудҳиш сиёсат давомида Норин районидан ҳам жуда кўплаб деҳқонлар жабрланган. Биз ўз ишимизда бу масалага ҳам тўхталиб ўтдик. 1937 йилда бошланган «катта террор» ва унинг мудҳиш оқибатлари Норин райони мисолида ёритиб ўтилди ва номлари юқорида қайд қилинган юртдошларимизнинг аянчли қисмати ва тақдири ўрганилди.

1-боб. НОРИН РАЙОНИДА КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ ВА «ҚУЛОҚЛАРНИ СИՒФ СИФАТИДА ТУГАТИШ» СИЁСАТИ ВА АМАЛИЁТИ

1.1. Норин тумани ёппасига коллективлаштириш арафасида

Норин тумани Наманган вилоятининг ўртача туманларидан бири бўлиб, маркази Ҳаққулобод шаҳридир. Туман ҳудуди 927,7 кв.км.ни, аҳолиси 2005 йилдаги маълумотга кўра 116 минг кишини ташкил қилади.

Норин тумани 1926 йилда ташкил этилган ва Андижон округи таркибига кирган. Туман Учқўрғон, Уйчи, Наманган, Балиқчи ва Избоскан туманлари билан чегарадош ҳисобланади. Туман Фарғона водийсининг денгиз сатҳидан энг паст жойига, Тяньшан ва Олой тоғ тизмалари бирлашган Учқўрғон туманининг пастида жойлашган. Туманнинг ғарбий чегаралари бўйлаб Норин дарёси, шарқий-жанубий чегаралари бўйлаб Қолгандарё ва Қорадарё ўтиб, Чўжа қишлоғида бирлашиб Сирдарё номини олади. Норин тумани ҳудуди чўзинчоқ бўлиб, энига ўртача 7 км. бўлса, узунлиги 30 км.дир.

Туман 1926 йил декабрдан буён Норин номи билан аталади. Туманга Норин номи берилгандан кейин Андижон уездига яқин бўлган Ҳаққулобод қишлоғи туман маркази сифатида белгиланган. Ўша даврда Наманган вилояти ҳудуди Андижон уезди деб юритилар эди. Ҳаққулобод чегараси ҳудудда катта қишлоқ бўлганлиги, аҳолиси зичлиги, ҳунармандчилик, савдо йўли, карвонсаройлар мавжуд бўлганлиги учун ҳам халқ вакиллари ва районлаштириш кенгашида ҳисобга олишган бўлсалар керак.

1926 йилда Норин райони ташкил этилганидан кейин районда партия комитети ҳам фаолият кўрсата бошлади. Бу йилда районда партия аъзолари 27 нафар бўлиб, улар 3 та ячейкага бирлашганлар. 1926 йилда районда қишлоқ советларининг сони 20 та, депутатларининг сони 238 та бўлган. Ер майдони эса 274,64 квадрат километрни ташкил қилган. Бу пайтда аҳолисининг сони 19 минг киши эди. Туман ташкил этилган пайтда бирорта ҳам мактаб бўлмаган, биринчи совет мактаби 1927 йилда Ҳаққулобод қишлоғида ташкил этилган⁴.

1926 йилда Норин районининг барча суғориладиган ерлари 16052 гектар бўлиб, шундан 10945 гектарига пахта экилган. 112 та майда коллектив хўжаликлар ташкил этилган. Бу хўжаликларда ишчи отлар сони 185 та, ишчи хўкизлар 146 та бўлиб, икки ғилдиракли “Қўқон” аравадан юк ташишда фойдаланилган. Бу ишчи ҳайвонлар, омоч ва аравалар ер-сув ислоҳоти даврида бой ва қулоқ хўжаликлардан тортиб олинган эди. 1930 йилда районда колхозлар ерини шудгор қилиш учун биринчи МТС ташкил қилинган. МТСнинг техникаларини хориждан келтирилган “Джондир”, “Интер”, “Тарзан” маркали мини тракторлар ташкил этган.

Қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш арафасида қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги жуда паст бўлган. Пахта ҳосилдорлиги гектарига 10-15 центнерга борган.

1924-25 йилларда Норин районида 1-3 десятинача (1 десятина – 1,45 гектарга тенг) ерга эга бўлган хўжаликлар 75-80 % ни ташкил қилган. Айни пайтда аҳолининг 3-4 фоизини ташкил қилган бойлар қўлида 1,5 қисм ер бўлган. Масалан, сирмоқлик Раимбой, хўжаободлик Аҳмаджон мингбоши, Жўрабой, тўдалиқ Мирзабой ва Раҳмонбойларнинг ери 1500-1600 танобгача бўлган. 150-180 танобгача ер эгалари ҳам бўлиб, уларнинг кўпчилиги имом ва муллалар қўлида эди. Улардан ташқари 10-15 танобгача ер эгалари ҳам бўлиб, улар асосан ўртаҳол деҳқонлар бўлган. Аҳолининг ўндан бир қисмида умуман ер бўлмаган. Бундай ҳол Норин районининг барча қишлоқларига тааллуқли эди.

1925 йилда Норин районида ҳам ер-сув ислоҳоти бошланади. Кечаю-кундуз чойхоналарда мажлисбозлик, тинимсиз тортишувлар вужудга келиб, қисқа муддат ичида

⁴ Расулжон Абдумажидов. Ҳаёт лабиринтлари (Одамлар ва йиллар). Биринчи китоб. Тошкент, “Мухаррир” нашриёти, 2012 йил. 32-бет.

ерларни бойлар қўлидан тортиб олиб ерсиз деҳқонларга тақсимлаб бериш, ерни давлат мулкига айлантириш керак, деган фикрлар ўртага ташланади.

Андижон округи районларида, жумладан, Норин районида 1926 йилнинг январидан бошлаб ер-сув ислохотини ўтказишга киришилади. Ўзбекистон ССР ер ишлари комиссари ўринбосари Наби Раббимов уезд вакили ва район ижроия қўмитасининг раиси Парпибоев Абдурахмонлар иш бошайдилар. Районда жами 10 та Батраклар қўмитаси ташкил қилинган бўлиб, унинг аъзолари бойлар ва ўзига тўқ деҳқонларнинг мулкни яшириб қолишга йўл қўймаганлар. Ислохот оқибатида 30 десятина ва ундан ортиқ ерга эга бўлган 50 га яқин деҳқонларнинг ҳам ортиқча ерлари тортиб олинган. Ер билан бир қаторда уларга тегишли омов, арава, от-улов, асбоб-анжомлар ҳам тортиб олиниб ерсиз ва асбоб-анжомсиз деҳқонларга тақсимлаб берилди.

Норин районида ер-сув ислохотининг ўтказилишида партия аъзолари Потлов, Суханов, Абдуназар Давидов, Шокиров, Хасан Алижонов ва Ойниса Исабобовларнинг хизмати катта бўлган. Бу ислохот осонлик билан ўтмаган, ер эгаларининг каттик қаршилигига ҳам учраган⁵.

Янги ер олган деҳқонларга моддий ва маънавий ёрдамлар берилган. Улар 1 йил муддатга қишлоқ хўжалик солиқларидан озод қилинганлар. Янги ер олган деҳқонлар иккинчи йилдан бошлаб солиқнинг 25 фоизини, қўшимча ер олганлар эса 75 фоизини тўлайдиган бўлган. Бу имтиёз билан совет ҳукумати камбағал деҳқонлар орасида ўз обрўсини бирмунча кўтариб олишга эришган эди.

1926 йилнинг баҳорида узил-кесил ҳал этилган ислохотдан кейин районда “Қарз ширкати” ташкилоти тузилиб, яқка деҳқон хўжаликлари аъзо бўлган бу ширкатда шартнома бўйича хўжаликларни кредит ва ссуда маблағлари билан таъминлаш йўлга қўйилган. Бу ширкат кўпроқ яқка деҳқонларни бирлаштирган артелларни маблағ билан таъминлаган. Қишлоқ хўжалик артеллари истикболда ташкил этиладиган йирик колхозлар томон қўйилган биринчи қадам эди.

Қишлоқларда ташкил топган яқка хўжалик тузуми энди тузилажак янги тизим - артель (колхоз) тизимига қўйилган қадам бўлди. Бу ер-сув ислохотидан сўнг ер-мулкнинг камбағал чорикдорларга ўтиши эди. Ислохот натижасида Норин тумани бўйича 40 десятина ва ундан ортиқ ерга эга бўлган 50 га яқин хўжалик бутунлай тугатилди. 100 га яқин хўжаликнинг ортиқча ери тортиб олинди. Туман бўйича 3,5 минг гектар ер, 300 бош от-улов, омов, арава ва бошқа асбоблар мусодара қилинди. Ҳатто, кўп жойларда бой деҳқонларнинг уйлари ҳам мусодара қилиниб, эгалари бадарға қилинди. Ер ва мусодара қилинган от-уловлар чорикдорларга, энг яхши чавандозлик отлари ва уйлар ислохот ўтказётган фаолларга берилди. Чорикдорларга мусодара қилинган ерлардан беш танобдан ўттиз танобгача бўлиб берилди. Шунга яраша от-улов, хўкиз билан таъминландилар.

Ер-сув ислохоти советлар таъбирича муваффақиятли якунлангани билан қонли тўқнашувлар ҳам вужудга келган. Еридан, от-уловидан, уйдан ажралган мулкдорлар қаршилик кўрсатар эдилар. Бу қонли қаршиликлар улар учун қамоқ билан тугар эди.

Ўша вақтларда Тошкентдан маълумотли вакиллар тез-тез келиб кетиб туришар, туман раҳбарларига топшириқ – маслаҳатлар беришиб, “Қизил чойхона”ларда одамлар билан “ёрқин келажак” ҳақида суҳбат ўтказишарди. Ҳукуматга бойлар, дин пешволари - душман, чорикдор, ишчилар - дўст, дейишарди.

Лекин, большевиклар ва совет ходимлари ўзларининг шахсий манфаатидан жамият манфаатини юқори қўйиб, ҳеч нарса талаб қилмасдилар. Ўша давр раҳбарлари инқилоб фанатикларидан ташкил топган эди.

⁵ Расулжон Абдумажидов. Ҳаёт лабиринтлари (Одамлар ва йиллар). Биринчи китоб. Тошкент, “Мухаррир” нашриёти, 2012 йил. 37-38-бетлар.

Ер-мулкидан ажраган маҳаллий бойлар янги тузумга қарши мафкуравий кураш олиб боришни тўхтатмадилар. Ҳукуматни омма орасида обрўсига путур етказиш мақсадида диндор уламолар билан бирикиб, ислом ақидаларига ишонтириш учун “Шайтон йўлдан оздирганларга абадий дўзах муқаррарлиги”ни тинмай ташвиқот қилсалар, собиқ советлар тарафдорлари эса Маркс, Энгельс, Ленин, Сталиндек “дохий”лари борлигини, улар кўрсатган йўл социализм ғалабаси коммунизм куриш билан тарғибот қилардилар. Бойлар, диндорларни эса ёт, унсур, “халқ душманлари”, деб ташвиқот ва тарғибот қилишарди. Шунда ҳам оми, содда деҳқонлар “Ширкат”, “Кўшчи союз”ларга ишончсизлик билан қарардилар.

1926 йилда ҳар бир қишлоқда “Батракком” (батраклар кўмитаси) ташкилотлари тузилган эди. Унинг вазифаси совет ҳокимияти тутаётган йўлга деҳқонларни ишонтириш ва эргаштириш, ҳокимиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга эришиш бўлган. Бунинг устига энди 1-2 йил якка хўжалик сифатида ва ўртаҳол деҳқон фойдаланаётган ерларни қайтариб олиб, уларнинг бир нечтасини бирлаштириб, артел ташкил қилиш бўлган.

Якка хўжалик асосида иш юритиш, табиийки ўтган даврда “умумий тенгликка”, деҳқонлар турмуш даражасида тенгсизлик вужудга келган. Қай бир якка хўжалик отулов ва ўзларига қарашли ишчи кучлари ёрдамида ерни барвақт шудгорлади, бегона ўт-ўланларга қарши кураша олди ва тупроқни гўнг билан озиқлантирди, зовур қазиб, ер захини қочирди, хуллас, даромадни кўпроқ олган бўлса, иқтидори пастроқ, дангаса ёки ери захқаш, қамиш ўт-ўлан босган хўжаликлар даромад ололмаганлар. Асосий сабаби - давлат солиқ, буйруқ, ташвиқот тизими қишлоқ хўжалик маҳсулотларини жамғаришда, марказни таъминлашда қийнала бошлаган.

Аммо қулоқлар масаласига оид ҳеч нарса дейилмас, натижада кейинчалик қулоқлар кетидан келаётган ўртаҳол деҳқонлар ҳам мажбурият таёғидан қалтак еганлар. Қишлоқда барибир синфий кураш алангалантирилди. ГПУ фаол иштирок этиб, катта қурбонлар эвазига 1936 йиллардагина бу аланга ўчирилди. Шундай қилиб деҳқонларга муносабатда энг яхши ҳислатлар - меҳнатсеварлик, ерни севиш, жамият қолдиқлари психологиясига таянмасдан, ҳукумат тараққиётга таяниб бу жараёни олиб борган. Ўша вақтларда аграр иқтисодчи Чаянов ва Г.Ретнерлар кооперациянинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши жаҳон қишлоқ хўжалигидаги меҳнат кооперациялари ҳақида илмий-оммабоп асарлар ёзишган эди. Улар қатағон йилларида қатағон қилинганлар. Д. Волкогонов: “Дохий фақат бир нарса, яъни универсал услубда ўз мақсадини амалга ошириш зўравонлик билан амалга ошишини билар, бусиз зўравонликсиз, Сталин бўлолмас эди”, деб ёзган эди.

Норин районида ташкил этилган “Қарз ширкати”га Маматқул Жуманов раис этиб тайинланади. “Қарз ширкати” ташкилотининг фаолияти икки йилдан тўрт йилгача давом этди. Чунки, якка хўжаликлар бирин-кетин тугатилиб, артелларга бирлаша бошлади.

Ер-сув ислохотидан сўнг қишлоқ хўжалигини кооперация ва коллективлаштириш жараёни режалаштирилган эди. Коллектив хўжаликларда ерга биргаликда ишлов бериш, экин экиш ва ҳосилни давлатга монопол нархларда сотиш бу сиёсатнинг асосий мақсади бўлган эди. Колхозлар тарихида шу нарса маълум бўлдики, етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини арзон баҳода сотиб олиб, сўнг унинг бир қисмини (уруғлик, дон, пахта маҳсулотлари) 2-3 баробар юқори баҳода колхозларнинг ўзига қайтариб сотиладиган бўлди.

Ўзбекистонда 1925-1929 йилларда ўтказилган ер-сув ислохоти даврида ҳам советларнинг асосий сиёсати «капиталистик унсурлар» деб аталган сармоядорлару-савдогарлар, ер-сув эгалари ва умуман маҳаллий бадавлатлар қатламига қарши қаратилган эди. Туркистон советларининг 1920 йил сентябрида бўлиб ўтган IX қурултойи қарорларида ҳам «бой-қулоқ хўжаликлари»ни чеклаш, уларни аста-секинлик

билан сиқиб чиқариш биринчи галдаги вазифа сифатида белгиланган эди.⁶ Уларнинг фуқаролик ҳуқуқлари чегараланиб, ҳаддан ташқари катта миқдорда молиявий солиқлар солинади. Қишлоқлардаги ер-суви бор деҳқонлар «феодал бойлар, ўтмиш саркити» деб эълон қилинади. Уларнинг ерлари, боғ-роғлари, қишлоқ хўжалик асбоблари, уй хайвонлари мажбуран тортиб олинади ва улар давлат мулки деб эълон қилинади.

1.2. Коллективлаштириш ва қулоқлаштиришнинг ўтказилиши ва ундаги зўравонликлар

Ўзбекистонда совет давлатининг қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш ва «қулоқларни синф сифатида тугатиш» сиёсати ва амалиёти дастлабки кунларданоқ зўрлик ва кўрқитишлар билан амалга оширила бошланди. Ўзбекистонда, жумладан Андижон округи районларида қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш ҳаракати бутун мамлакат учун ягона бўлган жараён доирасида ўтказила бошланди. Бироқ, қатор миллий республикалар қатори Ўзбекистонда ҳам талай ўзига хос хусусиятлар мавжуд бўлиб, булар ўлканинг тарихий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш спецификацияси ва ишлаб чиқариш муносабатларида таъсири катта бўлган урф-одат ва анъаналар эди. Афсуски, коллективлаштириш жараёнида бу ўзига хос хусусиятлар эътиборга олинмади. Энг муҳими, коллективлаштириш ҳаракати большевиклар ҳукуматида хос бўлган «инқилобий» шиддат билан, халқ оммасига нисбатан зўрлик ва қатағон усуллари кенг қўллаган ҳолда ўтказила бошланди.

1930 йилнинг 5 январида ВКП(б) МК «Коллективлаштириш суръатлари ва колхоз қурилишига давлат ёрдами бериш тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.⁷ Бу қарорда иттифокнинг барча республикаларида маҳаллий шароитларга кўра коллективлаштиришни яқунлаш муддатлари белгилаб берилди. Ўзбекистон ва бошқа Ўрта Осиё республикалари учинчи гуруҳга киритилган бўлиб, бу республикаларда коллективлаштириш бирмунча суст бораётганлиги таъкидланган эди. Қарорда Ўзбекистонда коллективлаштиришни 1933 йилда яқунлаш режалаштирилган эди.

ЎзКП(б) МКнинг 1930 йил 17 февралдаги қарори билан республикадаги 17 та район ёппасига коллективлаштириш райони деб белгиланди. Бу районлардан тўрттаси – Асака, Шахрихон, Жалакудук, Норин районлари Андижон округи таркибига кирар эди. Норин райони 1930 йилларда Андижон округи таркибида бўлган. Шу тариқа бу ерда ҳам колхоз ҳаракати авж олдириб юборилади. Андижон округида коллективлаштиришни ўтказиш бўйича сиёсий штаблар ташкил этилиб, бу штаблар Марказ кўрсатмаларини бажариш учун кампаниянинг бошида туриб, асосан зўравонлик усулларида эътиборни кучайтирдилар. Қишлоқларда анъанавий иқтисодий муносабатларни бузиш авж олди. Қишлоқ аҳолиси зўрлик билан колхозларга киритила бошланди.

Ўзбекистон ССР КП(б) Марказий Комитетининг 1929 йил 27 ноябрдаги «Колхоз қурилишининг 1929-1930 йиллар режаси»га асосан республиканинг барча округларида коллективлаштиришга фаол киришилди. Шунингдек Норин туманида ҳам 1930 йил 21 февралдаги маълумотга асосан мавжуд бўлган 14022 та деҳқон хўжалигидаги 33600 гектар экин майдонини 13181 хўжаликка ёки 30240 гектари колхозларда, қолган 3360 гектар экин ери эса 841 та хўжаликларда қолиши режалаштирилган эди. Бунга асосан 1930 йил февраль ойидан бошлаб, бой ва бошқа хўжаликлар негизда колхозлар тузила бошлади.⁸

⁶ Ўзбекистон ССР тарихи 3-том. Тошкент, «Фан», 1971. 243-бет.

⁷ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг.

Документы и материалы. Том.1. /Сост. Р.Т. Шамсутдинов, Б.М. Расулов. Т.: «Шарк», 2006. стр. 53-56.

⁸ Мирзобоев М., Абдумажидов Р. Норин.Т.: «Фан», 2006. 37-бет.

Қишлоқларда ташкил топган якка хўжалик тузуми энди тузилажак янги тизим - артель (колхоз) тизимига қўйилган қадам бўлди. Бу ер-сув ислоҳотидан сўнг ер - мулкнинг камбағал чорикорларга ўтиши эди. Ислоҳот натижасида 40 десятина ва ундан ортиқ ерга эга бўлган 50 га яқин хўжалик бутунлай тугатилди. 100 га яқин хўжаликнинг ортиқча ери тортиб олинди. Туман бўйича 3,5 минг гектар ер, 300 бош от –улов омов, арава (икки ғилдиракли Қўқон арава) ва бошқа асбоблар мусодара қилинди. Ҳатто, кўп жойларда бой деҳқонларни уйлари ҳам мусодара қилиниб, бадарға қилинди. Ер ва мусодара қилинган от-уловлар чорикорларга, энг яхши чавандозлик отлари ва уйлари ислоҳот ўтказётган азаматларга тегди. Чорикорларга мусодара қилинган ерлардан беш танобдан ўттиз танобгача бўлиб берилди. Шунга яраша от-улов хўкиз билан таъминландилар.

1930 йилнинг 18 феввалида Андижон округи ижроия комитети «Андижон округидаги ёппасига коллективлаштириш районларида ташкилий-амалий ишлар тўғрисида» қарор қабул қилади. Унда коллективлаштириш ўтказиш белгиланган районларда юқоридан белгилаб берилган кўрсатмаларни бажариш зарурлиги ва уни белгиланган муддатда бажариш чора тадбирлари кўрсатиб ўтилган эди.⁹

Андижон округининг районлари қатори Норин районида ҳам бутун диққат-эътибор коллективлаштиришга қаратилди. Қишлоқ аҳолисини колхозларга киришга ташвиқ қилиш учун ишчилар синфи ҳам жалб қилинди. Ўзбекистонга Россиянинг марказий районларидан 437 ишчи юборилди, улар билан биргаликда маҳаллий ишчилар синфи ўз сафларидан 263 кишини сафарбар қилди.¹⁰ Фарғона водийсини оталиққа олган Иваново-Вознесенский ишчилари ўз бригадаларини Фарғона ва Андижон округларига юбордилар. «25 мингчилар»дан Андижон округига 33 киши келган.

Андижон округи районларида ҳам коллективлаштириш ҳаракатида рақамлар ортидан қувиш авж олди. Деҳқонларни мажбуран колхозларга кирита бошладилар. Коллективлаштириш амалий жиҳатдан бузғунчилик ҳракатига айланиб кетди. Кўпинча қишлоқларнинг аҳолисини бу ердан кўчириб юборамиз, озиқ-овқат таъминотидан, ер-сувдан маҳрум қиламиз, деб кўрқитиб колхозга киришга мажбур қилардилар.

1930 йилнинг февраль ойи ўрталаридаги маълумотга кўра, Норин районида жами деҳқон хўжаликлари 14022 та бўлиб, улардан 13181 таси колхозларга киритилган, районда колективлаштириш кўрсаткичи 94 фоизни ташкил қилган¹¹. Коллективлаштириш суръати бўйича республикадаги ўртача кўрсаткич билан Андижон округидаги кўрсаткич таққосланганда, Андижонда коллективлаштириш кампанияси нисбатан шиддатлироқ ўтказилганлиги маълум бўлади.

Маҳаллий раҳбарларда коллектив хўжаликлар ҳақида етарли тушунча бўлмаганлиги боис, улар ташкил этилган колхозларда уй-жойларни, майда ҳайвон ва паррандаларни, ҳатто идиш-товоқларни ҳам умумийлаштириш ҳолати Андижон округи районларида ҳам кузатилди. Норин районида ҳам колхозлар ташкил этишда шошма-шошарлик, авж олди, жойларда қонунбузарлик, мажбурлаш, ноҳақ солиқлар солиш, қулоқ қилиш, сургун қилиш, дағдаға билан кўрқитиш, хуллас, қатағон қилиш сиёсати авж олди. Маҳаллий раҳбарлар қандай қилиб бўлса ҳам юқори натижаларга эришиш учун ҳар қандай ҳатти-ҳаракатлардан қайтмас эдилар.

Бундай зўравонликларнинг ортиб бориши табиий равишда халқнинг норозилигини келтириб чиқариши муқаррар эди. ОГПУ (Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси) органларининг 1930-1934 йиллардаги информацион материаллари ўз даврининг сиёсий манзарасини аниқ акс эттирган. Уларда Сталин бошчилигидаги

⁹ Андижон тарихидан лавҳалар. Андижон, 2008. 224-бет.

¹⁰ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т.: «Шарқ», 2001. 348-бет.

¹¹ Андижон тарихидан лавҳалар. Андижон, 2008. 226-227-бетлар.

рахбариятнинг мамлакатнинг асосий аҳолиси бўлган деҳқонларга нисбатан катагон сиёсати яққол ўз ифодасини топган.

ОГПУнинг 1930 йилдаги махфий хисоботларида деҳқон хўжаликларини оммавий катагон қилиш – кулоқлаштириш масаласи ҳам диққат марказида турган. Бинобарин, ОГПУнинг 1930 йил 11 январдаги №771 сонли директиваси «кулоқлар»га ялпи зарба беришга қаратилган тадбирларнинг мукаддимаси бўлганди. Унга кўра, репрессив чорани фақат кулоқ хўжаликларгагина эмас, балки директивада аниқ белгилаб берилган «ташкilotлар, гуруҳлар, якка ҳолдаги жиноятчилар»га, «кулоқ-оқгвардиячи-бандит унсурлар» деб номланган кишиларга – яъни бутун оммага қарши жазо чораларини кенг қўллаш кўзда тутилган эди. Ушбу директива ОГПУнинг жойлардаги барча мухтор вакилликларига юборилиб, тегишли ўлка ва областлар бўйича «кулоқ-оқгвардиячи-бандит унсурлар»га мансуб гуруҳлар, тўдалар, ташкilotлар ва шахслар миқдори ҳақида агентура маълумотларини зудлик билан аниқлаштириб, 14 январга қадар марказга етказилиши буюрилган¹².

Илмий адабиётларда айрим ҳудудларда ушбу кўрсатма берилган 1930 йилнинг 11 январидан кейиноқ кулоқ деб ҳисобланган деҳқон хўжаликларини тугатиш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилгани айтилади. Бироқ, мамлакатда кулоқ қилиш расман ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1930 йил 30 январдаги «Ёппасига коллективлаштириш районларида кулоқ хўжаликларини тугатиш тадбирлари ҳақида»ги қарори эълон қилинганидан кейин бошланган. Бу қарорда кулоқ хўжаликлари тоифаларга ажратилди ва тоифалар бўйича катагон қилинадиганлар нормаси белгиланди. Биринчи тоифа «аксилинқилобий фаол»лардан – террорчилик ҳаракати ташкilotчилари ва советларга қарши фаолият кўрсатганлардан иборат бўлиши белгиланиб, уларни қамокқа олиш ва сиёсий жиноятчи сифатида концентрацион лагерларга юбориш ёки олий жазо қўллаш лозимлиги белгиланган. Уларнинг оила аъзоларини эса мамлакатнинг чекка минтақаларидаги махсус манзилгоҳларга сургун қилиш кўрсатилди. Бу ҳудудларга шунингдек, иккинчи тоифага кирувчи «йирик кулоқлар, ярим помешчиклар ва коллективлаштиришга қарши фаол қаршилиқ кўрсатганлар» ҳам оила аъзолари билан бирга сургун қилиниши лозим эди. Кулоқларнинг қолган қисми (3-тоифа) эса яшаб турган ўлка ёки вилоят ичида, фақат хўжаликлар яшаб турган қишлоғидан бошқа жойларга, колхоз ерларидан ташқаридаги чекка ерларга кўчирилиши белгиланди. Кулоқ қилинадиганларнинг умумий миқдори барча деҳқон хўжаликларининг 3-5 фоизини ташкил этиши лозимлиги қарорда кўрсатиб ўтилди. Лекин 1 ва 2-тоифалар бўйича «чекланган контингентлар» сони кўрсатилди: мамлакатнинг асосий қишлоқ хўжалик районларидан биринчи тоифа бўйича 60 минг хўжалик, иккинчи тоифа бўйича 150 минг хўжалик¹³.

1930 йил март ойига келиб, бутун республикада коллективлаштиришга қарши деҳқонларнинг норозилик ҳаракатлар авж олди. Андижон округининг айрим туманларида оммавий чиқишлар юз берди. Фарғона водийсидаги халқ оммасининг чиқишлари совет ҳокимиятига қарши сиёсий курашлар тусини олди. Бутун республикада бўлганидек, Норин районида ҳам мажбурий ташкил қилинган колхозлар тарқалиб кета бошлади. 1930 йилнинг 1 майига келиб Норин районида деҳқон хўжаликларининг фақат 10 фоизи колхозларда қолди, қолган хўжаликлар колхозлардан чиқиб кетдилар. Республика бўйича эса коллективлаштириш даражаси 1930 йил мартдан май ойига қадар 47,8 фоиздан 27,5 фоизга тушиб қолди.

Норин тумани қишлоқларида коллективлаштириш осонликча амалга оширилгани йўқ. Маълумотларга асосланиб, шуни айтиш мумкинки, туманни Катта

¹² Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун. (Ўрта Осиё республикалари мисолида) Т.: «Шарқ», 2003. 166-бет.

¹³ Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун. 175-бет.

Ўлмас қишлоғи камбағалларидан 73 киши 1930 йил 4 март куни туман совета ижроқўмига ўртаҳол деҳқон ва муллаларни ҳақ-ҳуқуқларини тиклаб беришни сўраб намойиш ташкил этганлар. Уларнинг барчаси ҳукумат томонидан жазоланди. Бундай ҳолатлар Бўз Ўлмас, Хўжаобод қишлоқларида ҳам рўй берган. Сабаби, шошма-шошарлик билан ўтказилган мажлислар халқни коллективлаштириш сиёсати билан тўлиқ тушунтира олмай ўтказилганлиги учун, бугун тузилган колхозлар эртага тарқаб кетаверган. Колхозларни ташкил этишга масъул кишилар эса жазоланган. Қишлоқлардаги ер эгалари бойлар ўрта ҳол деҳқонлар ердан, мол мулкидан ажралиб қолаётганликлари учун аҳолини бу йўлдан қайтаришга, уларни ҳар хил йўллар билан, ҳатто ўлдириш каби мудҳиш ишларни ҳам амалга ошириб, колхозлардан чиқишга мажбур этганлар. Бундай воқеа Катта Ўлмас, Норинкапа, Хўжаобод қишлоқларида амалга оширилган.¹⁴

Маҳаллий партия раҳбарларининг энг катта хатоси коллективлаштиришнинг юқори фойзалари ортидан қувиб, энг илғор районлардан ўзиб кетишга интилиш бўлган эди. Бу эса республика марказининг округларга колхоз қурилиши соҳасида нотўғри йўл-йўриқлар беришига олиб келган. Бу ҳол ўз навбатида халқ оммаси норозилигининг ортиб боришига сабаб бўлган. Бу ҳолатларнинг барчаси совет давлатининг ўзбек қишлоғида, жумладан Андижонда амалга оширган зўравонлик сиёсати натижасида юз берган эди. Лекин советларнинг чекиниши узоқ давом этмади. Советлар қисқа муддатли танаффусдан сўнг коллективлаштириш сиёсати амалиётининг янги тўлқинини бошлаб юборди. Оммавий норозилик ҳаракати ташкилотчилари ва фаол қатнашчилари ОГПУ органлари томонидан қамокқа олинди. Жумладан, Андижон округи бўйича аксилинқилобий фаолият кўрсатганликда айбланган 607 киши қамокқа олинган. Қамокқа олинганларнинг 257 нафари бойлар, 31 нафари диндорлар, 22 нафари савдогарлар, 54 нафари ўртаҳол деҳқонлар, 33 нафари камбағал деҳқонлар бўлган, қолганларнинг ижтимоий тааллуқлилиги аниқланмаган¹⁵. Совет ҳукумати бу йўл билан маълум даражада халқ норозилигини бостиришга эришди. Деҳқонларнинг энг фаол, ташаббускор, халқни ўз ортидан эргаштира оладиган қисми қатағон қилиб юборилди. Қатағон қилинганлар орасида нафақат бойлар, балки, оддий камбағал деҳқонлар ҳам бор эди.

Хуллас, совет ҳукумати барча жойларда бўлганидек, Норин районида ҳам коллективлаштиришни амалга оширишда асосан зўравонлик, мажбурлаш, тазйиқ ўтказиш усулларига асосий эътиборни қаратдилар. Колхоз қурилиши борасида деҳқонларга ҳеч қандай тушунтириш ишлари олиб борилмади. Колхоз қурилиши жараёнида норозилик билдирган жуда кўплаб деҳқонлар ноҳақдан қатағон қилиб юборилди. Қулоқ қилиш, сургун қилиш тадбирларидан ташқари, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, кўплаб деҳқонлар қамокқа олиндилар. Уларнинг маълум бир қисми отиб ташланди, қолганлари эса концлагерларга жўнатилди.

1929 йил охирларидан эътиборан совет давлати қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш сиёсати ва амалиётини кенг кўламда бошлаб юборди. Компартия олий органлари ва совет ҳукумати томонидан эълон қилинган қарор ва кўрсатмаларда коллективлаштириш суръатларини кучайтириш, унга оммавий тус бериш, «қулоқ» хўжаликларини синф сифатида тугатиш шиори ўртага ташланди¹⁶.

Маҳаллий ҳокимият органлари марказ кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш учун коллективлаштиришнинг бошида туриб кўпроқ мажбурлаш, зўравонлик усулларига эътиборни кучайтирди. Бошқа жойларда бўлгани каби Норин районида ҳам

¹⁴ Мирзобоев М., Абдумажидов Р. Норин. Т.: “Фан”, 2006. 38-бет.

¹⁵ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. Том.1. 216-бет.

¹⁶ Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. Тошкент, «Шарқ», 2001. 57-бет.

коллективлаштириш жараёнида минг йиллар давомида шаклланган деҳқончилик билан боғлиқ қадриятлар ва анъаналар кўполлик билан топталди. Маҳаллий раҳбарлар рақамлар ортидан қувиб коллективлаштириш кампаниясини зўравонлик билан амалга ошира бошладилар. Қишлоқ аҳолисининг бадавлат, ўзига тўқ қатламларига қарши қувғин уюштирилди, деҳқонлар мажбуран колхозларга киритила бошладилар.

Коллективлаштириш билан бир пайтда «қулоқ» қилиш кампанияси ҳам кескин равишда амалга оширилди. Энг ачинарлиси, бу тадбирни ўтказишда қонунсизликлар юз бериб, зўравонлик усуллари қўлланилди. «Қулоқ»ларга қарши кураш шиори остида асосан тадбиркор, ишбилармон хўжаликларга қарши ялпи ҳужум бошланди. Хатто оддий деҳқонлар диндорлиги учун ёки маҳаллий маъмуриятдан норози бўлгани учун ҳам қулоққа тортилди. Диндор уламолар эса «Шўрога ҳақсиз» деб эълон қилинди, фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Ҳуқуқни поймол қилиш ва зўравонликлар фақат «қулоқ» хўжаликларигагина эмас, балки қишлоқнинг барча қатламларига нисбатан ҳам қўлланди.

1930 йилнинг баҳори ва кузида Норин туманида “Правда”, “Давлат”, “Чамбил” колхозлари ташкил этилди, уларга Абдуваҳоб Азимов, Жалил Нишонов, Боймурод Худойкуловлар раис бўлганлар. 34 хонадонни бирлаштирган Октовлида “Норин” колхозини тузилди ва раис қилиб Абдукарим Қозоқов сайланди.

1930 йил ўрталарида Сирмоқ қишлоғида “План бажариш” ва САКУ колхозлари ташкил этилди. Катта Жайдоқ қишлоғида “Жайдоқ”, “Рабочий”, “Тулистон”, “Комсомол”, “Қизил ой”, “Тўлқин” номли колхозлар тузилди. “Комсомол” колхозига жайдоқлик Мамажон Мирзакулов раис бўлиб узок йиллар ишлади. Ўзи саводсиз (қўл кўйишни ҳам билмас эди) бўлсада, у ҳалол, ғирт маъмуриятчи-ташкилотчи, колхоз ҳаёти билан унинг ҳаёти бирлашиб кетган эди. Уни колхозчилар Мамажон “инжиқ” раис деб аташарди. У 1955 йилгача барча юқоридаги колхозларни бирлаштириб, раис бўлиб ишлаган. Шунингдек, туманда хотин-қизлардан биринчи колхоз раиси бўлиб ишлаган Ризвонбиби Чўлпоновадир.

Коллективлаштиришни ВКП(б) Марказий Қўмитаси қарори билан 1933 йилгача ўтказиш муддати белгиланган бўлсада, маҳаллий раҳбарлар, коллективлаштириш суръатини ҳар томонлама жадаллаштира бошладилар. Бу жараённинг хаддан ташқари жадаллаштирилишида ўртаҳол деҳқонларнинг хўжалик юритиши ҳисобга олинмаган. Ўртаҳол деҳқонларни қулоқларга айланишига имкон туғдирилган.

Шундай қилиб, 1931 йил 20 июнь ҳолатига Норин туманида 223 та колхозлар тузилиб унда 15923 хўжаликдан 10718 таси колхозларга жалб этилган. Бу эса 57,3% ташкил этган. Уларда жами 38104 гектар майдондан колхозларга 15382 гектари ёки 40,4% берилган.

Коллективлаштириш натижасида бойларнинг мол-мулки ва ишчи ҳайвонлари ҳам мусодара этилиб, колхозларга бўлиб берилган. Буни қуйидаги малумотдан кўришимиз мумкин. Норин туманида 1931 йил 20 июнь ҳолатига лалми ерлар 1800 гектар бўлиб, шундан колхозларда 832 гектари ёки 46,2% бўлиб уларда туман бўйича отлар 5116 бош шундан колхозларда 2412 бош, ёки 47,1% бўлган. Хўкизлар 2443 бош, шундан колхозларда 610 бош ёки 25% бўлган. 7 бош туя эса хали мусодара этилмаган¹⁷.

Қулоқлар синфини тугатиш йўли билан омилкор деҳқонлар синфи тугатилди. Натижада коллективлаштириш жараёнида кўпол хатоларга йўл кўйилди. Бундан деҳқонларнинг бир қисми жабрландилар.

1930 йил мартда қишлоқ хўжалик артелининг намунавий Устави маъбуотда эълон қилинди. Деҳқонлар колхозларга кирганда нималар умумлаштирилишини, шахсий мулк тариқасида ёки шахсий фойдаланишда эса нималар қолдирилишини Устав

¹⁷ Мирзобоев М., Абдумажидов Р. Норин. Т.: “Фан”, 2006. 40-бет.

(низом)да аниқ белгилаб берилди. Уставга кўра, деҳқонларнинг барча чек ерлари колхознинг коллектив тасарруфидаги ягона ер фондига қўшиб юбориладиган бўлди. Барча иш хайвонлари, хўжалик иморатлари, коллектив хўжаликни юргизиш учун керакли асбоб-ускуналар умумлаштирилди. Чекланган микдордаги томорқа участкалари (бўлак) шахсий фойдаланишда кетмон, ўроқ, муайян микдордаги сигир (битта) ва қўй-эчки, уй паррандалари эса шахсий мулк қилиб қолдирилди.

Колхозларни мустақкамлашда ёрдам бериш учун давлат уларга яқиндан ёрдам кўрсатиб: хайвонлар учун тўланадиган солиқлардан икки йилгача озод қилинди, молиявий ёрдам кучайтирилиб кредит берила бошлади. Муҳтож колхозларга уруғлик қарзга берилди. Машина-трактор станциялари қурилиши жадал суръатларда олиб борилди.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси деҳқонларда қаноат ҳосил қилишга ва уларни ишонч билан астойдил меҳнат қилишга ундади. 1928 йилда дала ишларининг деярли 97 фоизи қўлда бажарилар эди. Шунинг учун меҳнат унумдорлиги ўта паст бўлиб, маҳсулот етиштириш, ривожланиш имкониятлари чегараланган эди. Пахта ҳосилдорлиги гектарига 8-10 центнерни ташкил қилган.

Пахтачиликда барча дала ишлари, яъни пахтани териб олиш, қуритиш, қоплаш, юклаш, кўсак чувиш 100 фоиз қўлда бажарилган. Пахта етиштириш кишлоқ хўжалигининг энг оғир соҳаси ҳисобланади. Кишлоқларда коллективлаштиришдан мақсад кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш, механизациялаштириш бўлган. Шунинг учун ҳар бир туманда МТСлар ташкил қилиш жадал суръатларда олиб борилган.

1929-1933 йилларда Норин утманида жами 112 та майда артеллар ташкил қилинди. Биргина Қуйилтепа ҳудудида 8 та, Катта Жайдоқда 8 та, Тўда қишлоғида 6 та, Норинкапада 11 та артел тузилган. Бу коллективлаштириш даврида ҳам артелга киришдан бош тортиб, ҳали ҳам иккиланиб турган якка хўжаликлар анчагина эди. Худди шундай мураккаб бир шароитда совет тузумига қаршилар, янада кенг кўламда тарғибот ишларини олиб боришди. Коллективлаштиришга қарши “миш-миш” ва антиташвиқот қуйидагича эди: “Ҳамма қирқ қулоқлик бир қозондан овқат ейди, қирқ газлик кўрпада ётади. Оқёғ ҳаром, сени колхоз ҳаром билан боқади” каби уйдирмалардан иборат бўлган.

Бу гапларга ишонган баъзи содда деҳқонлар артелдан чиқиб кетишга урунишди. Артелга қўшган от-араваларни талаб қилиб, оёқ тираб туриб олишди. Жамоатчилик ўртасида артелга ёзилмаганларни мақташ, жамоага аъзо бўлганларни эса тезда “чоҳ” дан чиқиб кетишга ундаш авж олиб кетди. Баъзан отхонадаги отларни бўғизлаб кетишар, гоҳ далада тракторларни ишдан чиқаришарди. Бари бир қишлоқда янги тузум ғолиб келиб, 1935 йилда батомам колхозлашиб бўлди. Газеталар, ҳукумат раҳбарлари олиб борган колхоз тизимини афзалликлари ҳақидаги ташвиқотлари ўз натижасини бера бошлади.

1931 йил баҳоридан коллективлаштириш ва қулоқ қилишнинг янги тўлқини бошланди. Қулоқ хўжаликларини тугатишда иқтисодий усуллардан кенг фойдаланилди. Яъни ўзига тўқ, бадавлат хўжаликларга катта микдорда солиқ солинди, бундай хўжаликлар кредит, ссуда ва бошқа имтиёзлардан маҳрум қилинди.

1934 йилда Катта Жайдоқ қишлоғида “Гулистон”, “Тўлқин”, “Рабочий”, “Қизил соқчи”, “Жайдоқ” колхозлари бирлашиб, “Правда” номини олди. Колхоз раиси қилиб Мукаррам Қозоқова сайланди. 1947 йилда “Янги обод” колхозини ҳам қўшилган.

Бошқа жойларга қулоқ тамғасини босиб сургун қилинган оилалар, барча одамлар учун зарур бўлган фуқаролик, конституцион, яъни сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, улар суд қилинмасдан “учлик ва “бешлик”, яъни райком секретари,

туман ижрокўм раиси, ГПУ ходими ва прокурор иштироки билан барча турдаги жазо берилган.¹⁸

Ўрта Осиёдаги кулоқларни сургун қилишга шўролар ҳукумати томонидан олдиндан тайёргарлик кўрилиб, у босқичма-босқич ўтказилган эди. Бу тадбирга асосан:

- 1930 йил баҳорида “учлик” қарори билан Сибирь, Урал ва Шимолий Қозоғистонга кўчирилиб, Беломорканал қурилишида иштирок этган;

- 1931 йилги сургун қилинган кулоқлар эса Ўрта Осиёдан ташқарига пахтичиликни жорий этишга сафарбар этилган. Булар, асосан Ставрополь ўлкаси ва Херсон областларига кўчирилган;

- Ўрта осиелик кўплаб кулоқ қилинган хўжаликлар эса Ўзбекистонда ташкил қилинган махсус давлат хўжаликларига кўчирма қилиниб, у ерда ишлаганлар. Масалан: “Боявут”, “Далварзин”, “Норин” каби 24 та совхоз ихтиёрига жўнатилган.¹⁹

1930 йил март-апрель ойларидан эътиборан республикада бошланган коллективлаштиришга ва шўроларга қарши кураш ишлари норин туманида ҳам бошланиб кетди. Бу гуруҳлар, асосан бойлар ва уларнинг йигитлари иштирокида амалга оширилди. Ҳукумат уларга қарши қаттиқ кураш бошлаб, кўпларини қамокқа олди. Шу билан республикада бойлар, руҳонийлар, кейинчалик эса ўртаҳол деҳқонлар ҳам унсур ёки кулоқ сифатида сургун қилина бошлади.

Норин туманидан ҳам кулоқ қилиниб сургун қилинадиганлардан анчагина қисми бошқа жойларга қочиб кетдилар. Маълумотларга қараганда ҳисобга олинган 335 кулоқлардан 215 нафари қочқинда, улардан 50 нафари эса ҳибсга олишга улгурилмаган, сургун қилинмаганлардан эса 17 нафар кулоқ қочиб кетган эди.²⁰

Норин туманида «кулоқ» сифатида рўйхатга олинган хўжаликлар сони тобора ортиб борган. Ўша даврга оид бир ҳужжатда 1930-31 хўжалик йилида туман бўйича 142 та «кулоқ» хўжалиги борлиги айтилган. 1932 йил 13 ноябрдаги ҳолат бўйича туманда 227 нафар кулоқ хўжалиги бўлган.

1931 йилдан эътиборан Норин туманида ҳам «кулоқ» хўжаликларини тугатиш ва сургун қилиш тадбирлари авж олади. Кулоқ сифатида рўйхатга олинган хўжаликларнинг бутун мол-мулки: уй-жойи, ер-суви, уй-рўзгор асбоб-ускуналари, чорва ҳайвонлари давлат фойдасига мусодара қилиниб, ўзлари тоифалар бўйича республикадан ташқарига ёки республиканинг чекка районларида ташкил қилинган махсус посёлкаларга сургун қилиб юборилганлар. 1932 йилнинг 28 майигача Норин районида 150 та «кулоқ» хўжалиги биринчи ва иккинчи тоифа бўйича оила аъзолари билан бирга республикадан ташқарига, бошқа ўлкаларга сургун қилинганлар. Уларнинг умумий сони 539 киши бўлиб, улардан 197 нафари эркалар, 153 нафари болалар бўлган²¹.

1932 йил 24 май ҳолатига Ҳаққулобод станциясидан сургун қилиниб жўнатилган кулоқлар рўйхати куйидагича бўлган: Норин туманидан 192 хўжалик, 839 жон, шундан ҳақиқатдан жўнатилган хўжалик 198 га ёки 891 жон, шу жумладан эрлар 291, аёллар 248 ва болалар 352 нафардир. Жами бўлиб тумандан 1931-1932 йиллари 310 хўжалик ёки аҳолиниш 1,2% и сургун қилинган.²²

1930 йилларда коллективлаштириш билан бир вақтда ўртаҳол деҳқонларни ҳам кулоқ қилиш жадал суръатларда олиб борилди. Булар қаторига учтепалик Азимхожи ўғли Рустамбой ота, Мулло Қўчқор ота, Шарифхон эшон, Ўлмас қишлоқлик Нажим

¹⁸ Мирзобоев М., Абдумажидов Р. Норин. Т.: “Фан”, 2006. 41-бет.

¹⁹ Мирзобоев М., Абдумажидов Р. Норин. Т.: “Фан”, 2006. 42-бет.

²⁰ Ўша манба. 43-бет.

²¹ Шамсутдинов Р.Т. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун. (Ўрта Осиё республикалари мисолида) Т.: «Шарқ», 2003. 302-бет.

²² Мирзобоев М., Абдумажидов Р. Норин. Т.: “Фан”, 2006. 45-бет.

Махсум, норинкапалик Мирхон Амин, ҳаққулободлик Қодиркул мингбоши, Норқўзи бобо қабила уш а йилларда Украинанинг Херсон вилоятида сургунда бўлганлар. Тириклари она юртига қайтиб келганлар. Бундай кампанияда уларнинг собиқ батраклари, чорикорлар, собиқ совет раҳбар аппарати, ОГПУ жонбозлик кўрсатди. Бу сиёсат собиқ советлар даврининг мудҳиш сиёсати бўлиб чиқди.

Республикадан ташқарига сургун қилинган хўжаликлар асосан, Украинанинг Херсон областининг чўл зоналарига, Шимолий Кавказ ўлкасига, қисман Ғарбий Сибир ва Шимолий Қозоғистоннинг ўзлаштирилмаган ҳудудларига жойлаштирилганлар. Иккинчи ва учинчи тоифа бўйича сургун қилинган «қулоқ» оилаларининг аксарияти республиканинг ички ҳудудларидаги чекка районларда ташкил қилинган махсус посёлкаларга кўчирилганлар. Норин районидан ушбу тоифа бўйича «қулоқ» қилинганларнинг маълум бир кўпчилик қисми Бекобод районидаги «Далварзин», Қўрғонтепа районидаги «Савай», Учқўрғон районидаги «Норин» «қулоқ посёлкалари»га кўчирилганлар.

Ёппасига коллективлаштириш йилларида Норин районидан турли тоифалар бўйича тугатилган ва сургун қилинган «қулоқ» хўжаликларининг аниқ миқдори маълум эмас. Чунки, бу жараён бир неча йил, ҳатто коллективлаштириш якунланганидан кейинги йилларда ҳам давом этган. Қолаверса, бу масалага даҳлдор ҳужжатлар ҳам тўла сақланиб қолмаган. Бу деҳқон хўжаликлари тоталитар тузум даврида совет ҳукумати амалга оширган мажбурий коллективлаштириш даврида ноҳақдан жазоландилар. Улар ишбилармонлиги ва тадбиркор деҳқонлиги учунгина шундай оғир жазога тортилгандилар. Энг муҳими эса, сургун қилинмай қолган деҳқон хўжаликларига турли оғир мажбуриятлар юкланди, улар зиммасига катта миқдордаги солиқлар солинади. Улар 1937-1938 йиллардаги оммавий сиёсий қатағонлар даврида яна қайтадан таъқибга олинди. Уларга устидан турли иғволар, бўҳтонлар тўкиб чиқарилди ва қатағон қилиб юборилди.

2-БОБ. 1937-1938 ЙИЛЛАРДАГИ ҚАТАҒОНЛАРНИНГ НОРИН РАЙОНИДАГИ ФОЖИАЛАРИ

2.1. Оммавий қатағонларнинг бошланиши ва унинг хусусияти.

Совет тузуми давридаги оммавий қатағонлар совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки кунлардан бошланиб, у то СССРдек «қизил салтанат» парчаланиб кетгунга қадар давом этди. Қатағонлик совет тузуми ва жамиятининг ажралмас таркибий қисми, унинг табиий йўлдоши сифатида намоён бўлганди. 1930 йилларнинг ўрталарига келиб бу мудҳиш сиёсат ўзининг кулминацион нуқтасига кўтарилди.

С.М. Кировнинг 1934 йил 1 декабрда отиб ўлдирилишидан кейин бутун мамлакатда оммавий қатағонлар авж олиб кетди. Ўша куннинг ўзида СССР МИКнинг даҳшатли қарори чиқди. Энди «террорчилик ҳаракати»да иштирок этишда айбланганлар, сиёсий ишлар бўйича қамоққа олинганлар иши шошилинич, тезкор кўрилиб, ўн кун ичида якунланиши, айблов ҳулосаси судда кўрилишига бир кун қолганида айбдорга берилиши, иш тарафдорлар иштирокисиз кўрилиши, ҳукм устидан шикоят аризаси ва авф ҳақидаги илтимоснома беришга йўл қўймаслик, дарҳол отув жазосини қўллаш, ҳукми ўша заҳоти ижро этиш ҳуқуқи НКВД терговчилари қўлига бериб қўйилди. Шу кундан катта террор зилзиласи бутун мамлакатни ўз домига тортди, миллионлаб совет кишиларини жисмонан йўқ қилиш, қамоққа олишдан иборат мудҳиш қатлиом жараёни бошланди.²³

1937 йилнинг май-июнь, айниқса сўнгги бир ярим ойи даврида «ҳарбий-фашистик исёнчилар» отилганидан сўнг бўлажак оммавий қатағон кампаниясини интенсив ривожлантириш амалга оширилади. Июль ойининг бошларида бўлажак

²³ Шамсутдинов Р.Т. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. Т.: «Шарқ», 2001. 10-11-бетлар.

террорнинг юз минглаб қурбонлари тақдирини белгиловчи қарорлар қабул қилинган. Улардан энг муҳими Сиёсий бюронинг 1937 йил 2 июлдаги «Советларга қарши унсурлар тўғрисида»ги қарори бўлиб, у «катта террор» даврининг энг кўламли қатағон операциясини ўтказиш учун ўзига хос старт эди.

Юқоридаги қарор асосида НКВДнинг 00447-сонли буйруғи («Кулоқлар тўғрисидаги буйруқ») тайёрланган. Унга кўра, 1937 йил 5 августдан 1938 йил ноябрь ўрталаригача махсус ташкил этилган «учлик»лар камида 800 минг кишини тергов қилиб, улардан ярмини отувга ҳукм қилганлар.²⁴ 1937 йил августидан НКВД миллий республикаларда ҳам қатағон операцияларини ўтказиш бўйича бир неча буйруқлар чиқаради. Бу билан 1937-1938 йиллардаги террор қурбонлари сони деярли 350 минг кишига кўпайтириб юборилади.

1937 йил 30 июлдаги 00447-сонли «собик қулоқлар, жиноятчилар ва бошқа антисовет элементларни қатағон қилиш бўйича операция тўғрисида»ги оператив буйруқда аввалида қатағон қилинган, қатағон бўлишдан яшириниб юрган, лагерлардан, сургундан ва меҳнат посёлкаларидан қочиб келган собик қулоқларнинг катта қисми кишлоқларда ва шаҳарларда ўрнашиб олгани қайд қилинган. Буйруқда НКВД органларига бу антисовет унсурларни қатағон қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилган. Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб, 1937 йил 5 августдан барча республикалар, ўлкалар ва областларда собик қулоқлар, фаол антисовет элементлар ва жиноятчиларни қатағон қилиш бўйича операцияларни ўтказиш белгиланади. Бу операция Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон ва Қирғизистон ССРда 1937 йил 10 августдан бошланиши белгиланган.²⁵

Буйруқда операцияни ўтказиш бўйича 7 пунктдан иборат йўриқнома ҳам келтирилган. Унда қатағон қилинадиганлар контингенти кўрсатилган бўлиб улар асосан собик қулоқлар, лагерлардан ёки махсус посёлкалардан қочиб келган собик қулоқлар, фашистик, террорчи ва бандит тўдалари ва гуруҳлари аъзолари, ижтимоий хавфли унсурлар, советларга қарши партиялар (эсерлар, грузмекилар, дашноқлар, мусаватчилар, иттиходчилар), фаол антисовет кўпоровчи фаолият олиб бораётган собик оқлар, жандармлар, чор чиновниклари, бандитлар, турмаларда, лагерларда, меҳнат посёлкаларида антисовет фаолият олиб бораётганлар, сектантлик фаоллари, рухонийлар, жиноий фаолият олиб бораётган жиноятчилар (бандитлар, талончилар, ўғри-рецидивистлар) ва жиноий муҳит билан боғланганлар, кишлоқларда ва колхозларда, совхозларда, шаҳарлардаги саноат корхоналарида, транспортда, савдо муассасаларида ҳамда қурилишда турли кўпоровчилик ишларини олиб бораётганлар бўлган.²⁶

Юқоридаги кўрсатмалар бўйича бутун мамлакатда оммавий қатағонлар авж олдириб юборилади. Буйруққа биноан миллий республикаларда ҳам қатағонларни ўтказиш бўйича «учлик»лар ташкил қилинади. Биринчи навбатда биринчи тоифадаги контингентлар қатағон қилинади. Қатағонларни тезкорлик билан ўтказиш учун республикалар, ўлкалар ва областларда юзага келган вазиятга мувофиқ равишда оператив секторлар ташкил қилинган. Ҳар бир сектор бўйича операцияни ташкил этиш ва ўтказиш учун оператив гуруҳлар ҳам тузилган. Бу гуруҳлар ўзларига юклатилган вазифаларни эплай оладиган НКВДнинг масъул ходимларидан иборат таркибда тузилган.

Оператив гуруҳлар бошлиқларига қатағон қилинадиганларни аниқлаш ва уларнинг ҳисобини олиб бориш, терговга, тасдиқланган айблов ҳулосаларига ҳамда

²⁴ Шамсутдинов Р.Т. Қатағон қурбонлари. Иккинчи китоб. (1937 йил 10 август – 5 ноябрь) Т.: «Шарқ», 2007. 15-бет.

²⁵ Репрессия 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск 1. / Составители: Шамсутдинов Р.Т., Каримов Н.Ф., Юсупов Э.Ю. – Т.: «Шарқ», 2005. стр. 33.

²⁶ Шамсутдинов Р.Т. Қатағон қурбонлари. Иккинчи китоб. 16-17-бетлар.

«учлик»ларнинг ҳукм чиқаришлари ва уларнинг ижро этилишига раҳбарлик қилиш вазифаси топширилган.

Жойлардан аниқланган ҳар бир қатағон қилинаётганлар учун батафсил маълумотлар, айбдор қилувчи сохта материаллар тўпланган. Бу материаллар асосида қамокқа олинадиган рўйхати тузилган. Улар оператив гуруҳ аъзолари томонидан имзоланган ва 2 нусхада кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун НКВДга, унинг бошқарма ёки вилоят бўлими бошлиқларига юборилган. Бу органлар рўйхатларни кўриб чиқиб, твқдим этилган рўйхатдаги шахсларни ҳибсга олиш ҳақида санкция берганлар. Тасдиқланган рўйхат асосида оператив гуруҳ бошлиғи қамокқа олган. Ҳар бир қамокқа олиш ордер билан расмийлаштирилган. Ҳибсга олиш пайтида қунт билан тинтув олиб борилган, қурол, ўқ-дори, ҳарбий анжомлар, портловчи моддалар, заҳарловчи моддалар, аксилинқилобий адабиётлар, қимматбаҳо буюмлар ва тангалар, чет эл валютаси, кўпайтирувчи мосламлар ва турли ёзишмалар мусодара қилинган. Барча мусодара қилинган нарсалар баённомага киритилган.²⁷

Жойларда ташкил қилинган «учлик»лар асосан иккита тоифа бўйича ҳукм чиқарган. Биринчи тоифадагилар отув жазосига, иккинчи тоифадагилар эса 8-10 йил муддатга қамок жазосига ҳукм қилинган. 1-тоифа бўйича ҳукмлар ижроси республика халқ комиссари, НКВД бошқармаси, бўлим бошлиқлари кўрсатмаси билан вақти ва жойи яширин ҳолатда бажарилган. Ҳукмнинг ижроси ҳақидаги ҳужжатлар ҳар бир ҳукм этилганнинг тергов ишига алоҳида конвертда солиб қўйилган.

2-тоифа бўйича ҳукм этилганлар СССР НКВД ГУЛАГ (Лагерлар бош бошқармаси) хабар қилган нарядлар асосида тегишли ўлкалардаги қамокхона ва лагерларга этап ҳолида жўнатилган.

«Катта террор» даврида, яъни 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январгача бўлган вақтда Ўзбекистон бўйича фақат собиқ «қулоқ»лардан 5924 киши, жиноятчилардан 1679 киши, «советларга қарши унсурлар»дан 3097 киши жами 10700 киши қамокқа олинган. Улардан 3613 киши 1-тоифа бўйича отув жазосига, 7087 киши эса 2-тоифа бўйича 8-10 йил муддат билан қамок жазосига, меҳнат тузатув лагерларига ҳукм қилинган. 1-тоифа бўйича отувга ҳукм қилинганларнинг 1376 нафари собиқ қулоқлар, 952 нафари жиноятчилар ва 1285 нафари бошқа аксилинқилобий унсурлар бўлган. 2-тоифа бўйича ҳукм қилинганларнинг 4548 нафари собиқ қулоқлар, 727 нафари жиноятчилар, 1812 нафари бошқа аксилинқилобий унсурлар бўлган.²⁸

Кўп жилдлик архив ҳужжатлари тўпламида 1937-1938 йилларда «учлик» қарори билан жазога тортилган ўзбекистонлик қатағон қурбонлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. 1937 йил 10 августдан 5 ноябргача бўлган вақт ичида «учлик» қарори билан Ўзбекистон бўйича қатағон қилинганлардан 3083 махбусдан 1688 киши отувга, 1369 киши 8-10 йил меҳнат-тузатув лагерига, 36 нафари қамокдан озод қилишга ҳукм қилинган. Бу қатағон қилинганларнинг миллий таркибида ўзбеклар 2361 киши, руслар 462 киши, татарлар 58 киши, қozoқлар 33 киши, турклар 31 киши, арманлар 24 киши, немислар 20 киши, украинлар 18 киши, тожиклар 16 киши, поляклар 12 киши, озарбайжонлар 10 киши, уйғурлар 5 киши, вфғонлар 3 киши, хитойлар 3 киши, грузинлар 3 киши, французлар 1 киши бўлган.

Махбусларнинг ижтимоий таркиби қуйидагича бўлган: қулоқлар 1543 киши, колхозчилар 781 киши, диний хизматчилар 437 киши, савдогарлар 149 киши, жиноятчилар 87 киши, бойлар 54 киши, хизматчилар 132 киши, ижтимоий ахволи аниқланмаганлар 645 киши, улар орасида хунармандлар, аравакашлар, қоровуллар,

²⁷ Шамсутдинов Р.Т. Қатағон қурбонлари. Иккинчи китоб. 18-бет.

²⁸ Шамсутдинов Р.Т. Қатағон қурбонлари. Иккинчи китоб. 20-бет.

сартарошлар, сотувчилар, ўт ўчирувчилар, нафакахўрлар, ногиронлар, хазиначилар, қассоблар, даллоллар ва бошқалар бўлган.²⁹

Юқорида келтириб ўтилган қатағон қурбонларидан маълум бир қисмини бугунги Наманган вилоятининг Норин туманидан хибсга олинганлар ташкил қилган. Қатағон сиёсати бу районда ҳам жуда дахшатли кечган. Норин туманидан ҳам жуда кўпчилик беайб равишда отиб ташланган ёки қамокқа ташланган. Қамокқа олинганларнинг деярли барчаси қамок жойларида ёки концлагерларда ўлиб кетганлар. Масалан, «Репрессия 1937-1938 гг.» кўп жилдлик ҳужжатлар тўпламининг 3-жилдида 1937 йилнинг 13-28 ноябрь оралиғида қатағон қилинган ўзбекистонликлар ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган. Бу вақт оралиғида жами 1611 киши устидан ҳукм чиқарилиб, улардан 278 таси отув жазосига ҳукм қилинган, 17 киши хибсдан озод қилинган, қолганлари эса 8-10 йил муддатга қамок жазосига ҳукм қилинган. Уларнинг ижтимоий таркибида «собик қулоқлар» 811 киши (50,5 %), ишчи ва хизматчилар 207 киши (13 %),³⁰ рухонийлар 138 киши (8,6 %), «машғулоти аниқ бўлмаганлар» 240 киши (15 %) бўлган.³⁰

Бу қатағон қилинганлар орасида Норин қатағон қилинганлар жами 26 кишини ташкил қилган. Уларнинг асосий қисмини колхозчи деҳқонлар, маълум бир қисмини эса рухоний-диндорлар ташкил қилган. Улар Норин районининг турли қишлоқларида истикомат қилаётган кишилар бўлиб, уларнинг барчаси совет ҳукумати сиёсатида тухмат ва иғво гаплар тарқатганликда, антисовет тарғибот олиб борганликда, колхозчилар ўртасида ёлғон гаплар айтганликда, колхозлар ҳақида, Сталин ва бошқа партия раҳбарларига қарши гапирганликда айбланганлар.

2.2. 1937-38 йилларда Норин районида қатағон қилинганларнинг аянчли тақдири ва қисмати.

Битирув малакавий ишимизда асосан 1937 йилда Норин районида қатағон қилинган **Ўрозов Ўрмон, Абдурахимов Қўчқор, Эшматхўжаев Шерматқал, Қўчқоров Отамирзалар**нинг ҳаёт йўли ва қатағон қилиниши тафсилотлари ўрганилди. Уларнинг авлодларини излаб топиш, улар ҳақида маълумот тўплаш учун Норин туманининг Норинкапа, Жайдоқ, Дўмар, Қўрғонча қишлоқларида бўлиб, имкон қадар аниқ маълумотлар олишга ҳаракат қилинди. Қуйида уларни таниган, билган кекса кишилар ва бугунги кунда яшаб турган авлодларидан ёзиб олинган хотираларга таяниб ёзилган маълумотлар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

СССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг 1937 йил 30 июлдаги 00447-сонли буйруғида миллий республикаларда оммавий қатағонларни ўтказишга масъул бўлган «учлик»лар ташкил этиш ҳам кўрсатиб ўтилган бўлиб, Ўзбекистон ССР бўйича «учлик» Н.А. Загвоздин (республика ички ишлар халқ комиссари), А.Икромов (Ўзбекистон Компартияси Марказий комитетининг биринчи котиби), Тўрабеков (Халқ Комиссарлари Совети раисининг ўринбосари) лардан иборат тасдиқланган. Унинг йиғилишларида Ўзбекистон ССР прокурори Шейншлин, котиб сифатида эса ЎзССР НКВД Давлат хавфсизлик бошқармаси 8-бўлими бошлиғи Яковлев иштирок этиши белгиланган.³¹ 1937-1938 йиллардаги қатағонлар даврида «учлик» таркиби айрим йиғилишларда ўзгариб ҳам турган. Буни «учлик»нинг турли саналардаги йиғилишларида иштирок этганлар таркибидан билишимиз мумкин.

Маълумки, Н.И. Ежовнинг 1937 йил 11 декабрдаги телеграммасида “қулоқлар операцияси” бўйича фаолиятда бўлган “учлик”лар ўз ишларини 1938 йил 1 январгача

²⁹ Шамсутдинов Р.Т. Қатағон қурбонлари. Иккинчи китоб. 20-21-бетлар.

³⁰ Репрессия 1937-1938 гг. Документы и материалы. Выпуск 3. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, ноябрь. /Сост.: Шамсутдинов Р., Юсупов Э., Мамажанов А., Дусматов Э. Т.: «Шарк», 2007. стр. 6.

³¹ Шамсутдинов Р.Т. Қатағон қурбонлари. Иккинчи китоб. 19-бет.

тугаллаши, маҳаллий ички ишлар органлари операция бўйича якунланган ҳисоботларини топширишлари керак эди. ВКП(б) Марказий Комитетининг 1938 йил 31 январдаги қарори билан ўша авалги “учлик”лар фаолияти муддати узайтирилди. Барча республикалар ва ўлкалар ишни 1938 йил 15 февралгача тугаллаши белгилаб қўйилди. Шу боис, Ўзбекистонда фаолиятда бўлган “учлик”лар ҳам ўз ишини давом эттирди.

Бу вақтда Ўзбекистон ССРда учлик Ички ишлар халқ комиссари (раис), Ўзбекистон компартияси Марказий комитетининг биринчи котиби, Республика прокурори (аъзолари), Давлат хавфсизлик комитети 8-бўлими бошлиғи (котиб) дан иборат эди. Шу таркибда “учлик” 1938 йил 4 февралда 2 та, 7 февралда 2 та, 9 февралда 2 та, 10 февралда 3 та, 13 февралда 3 та, 14 февралда 1 та, 16 февралда 5 та, 17 февралда 3 та, жами 21 та йиғилиш ўтказган. Бу йиғилишларда 2491 маҳбус устидан ҳукм чиқарилиб, улардан 2086 маҳбус отувга, 398 маҳбус 10 муддатли қамоқ жазосига, 2 маҳбус 8 йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилган, 4 та маҳбус тергов вақтида вафот этган, 1 маҳбус озод қилинган³².

Ўзбекистон Ички ишлар халқ комиссарлиги ҳузуридаги “учлик” 1938 йил 16 февралдаги йиғилишида жами 112 маҳбус устидан ҳукм чиқарган, улардан 106 маҳбус отувга, 6 маҳбус 10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Отувга ҳукм қилинганлар орасида норинлик Ўрозов Ўрмон ҳам бўлган. “Учлик”нинг 83-сонли баённомасида у ҳақида қуйидаги маълумотлар келтириб ўтилган:

1. Ўрозов Ўрмон – 1882 йилда туғилган, Норин тумани Жайдоқ қишлоғидан, собиқ кулоқ, 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йилга судланган, хибсга олинган пайтда аниқ машғулоти бўлмаган. У аҳоли орасида доимий равишда исёнчилик ва мағлубиятчилик руҳидаги тарғибот олиб борганликда, деҳқонларни ҳукуматга қарши қуролли қўзғолонга тайёрланиш учун бирлашишга чақирганликда айбланган³³.

Ўзбекистон Ички ишлар халқ комиссарлиги ҳузуридаги “учлик”нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши 83-сонли баённомаси бўйича Ўрозов Ўрмонга отув жазоси белгиланган.

Ўрозов Ўрмоннинг авлодлари бугунги кунда Норин тумани Жайдоқ қишлоғида яшамокдалар. Унинг авлодларини топишда бизга Жайдоқ қишлоғи Гулистон маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мўйдинжон ака Раҳимов катта ёрдам кўрсатди. Биз Ўрозов Ўрмоннинг ўғли Ўрозов Турсунбой тоға билан суҳбатлашдик. Ўрозов Турсунбой тоға 1937 йилда туғилган ва у бир яшарлигида отаси қатагон қилинган. У киши отасини эслай олмайди, лекин акаси ва онасидан эшитганларини бизга гапириб берди.

Ўрозов Ўрмоннинг хотинининг исми Саодатхон бўлган ва у 1895 йилда туғилган бўлиб, 1975 йилда вафот этган. Улардан икки ўғил ва бир қиз қолган. Ўғилларининг каттаси исми Тўхтасин бўлиб, у 1930 йилда туғилган, 2005 йилда вафот этган. Иккинчи фарзандлари қиз бўлиб, исми Садоқатхон бўлган ва у 1932 йилда туғилган. Садоқатхон кўшни қишлоққа турмушга чиққан ва унинг 7 нафар фарзанди бор, ўзи эса 2006 йилда вафот этган. Учинчи фарзандлари биз суҳбатлашган Турсунбой тоға 1937 йилда туғилган. Турсунбой тоғанинг айтишига қараганда оталари оддий деҳқон бўлган. Ўзи диний томондан ўқимишли бўлган. Ўрозов Ўрмон аввалдан ўртаҳол деҳқон бўлган, унда ортиқча бойлик ёки мол-мулк бўлмаган. Унинг коллективлаштириш даврида қамоққа олинганлиги ва кулоқ қилинганлиги ҳақида ўғли билмас экан. Унинг кулоқ сифатида рўйхатга олинишига мулла бўлганлиги сабаб бўлган бўлиши мумкин. Чунки, Ўрозов

³² Қатагон қурбонлари (1938 йил февраль - сентябрь). Бешинчи китоб. Тузувчилар гуруҳи: Р. Шамсутдинов, Х. Қурбонов, Ж. Расулов, Ф. Эгамбердиев, У. Бекимметов. – Т.: “Шарк”, 2009. – 5-6-бетлар.

³³ Қатагон қурбонлари (1938 йил февраль - сентябрь). Бешинчи китоб. Тузувчилар гуруҳи: Р. Шамсутдинов, Х. Қурбонов, Ж. Расулов, Ф. Эгамбердиев, У. Бекимметов. – Т.: “Шарк”, 2009. – 248-бет.

Ўрмон ўртаҳол деҳқон бўлган ва колхозлар ташкил қилинганидан кейинқол колхозга аъзо бўлиб кирган экан.

Ўрозов Ўрмон ва хотини Саодатхоннинг дастлабки фарзандлари турмаган, улар болалигидаёқ вафот этиб кетганлар. Шунинг учун кейинги фарзандларига Тўхтасин ва Турсунбой деб исм қўйганлар.

Ўрозов Ўрмон қамокқа олинган пайтда колхозда оддий кетмончи бўлиб ишлаган. Унинг 1932 йилда 3 йил муддатга қамокқа олинганлиги ва қулоқ бўлганлиги ҳақида қишлоқдаги кекса кишилар ҳам аниқ бир нарса айтиша олмади. Шунингдек, унинг қишлоқ аҳолиси орасида ҳукуматга ва колхозларга қарши аксилинқилобий ташвиқот олиб борганлиги ҳам исботланмади. Чунки у жуда одамохун, бировга зарари тегмайдиган оддий киши бўлган. Бу айблар асосан сохта, НКВД ходимлари томонидан тўқиб чиқарилган айблар бўлган. Унинг қамокқа олинганлиги ва қатағон қилинганлиги асосан диний жиҳатдан билимдон бўлгани сабаб бўлган бўлиши мумкин. Унинг фарзандлари хали-хануз ўз оталарининг айби нима бўлганини билмайдилар. Ўрозов Ўрмон 1937 йил охирида уйдан қамокқа олинган баравар бедарак кетган. Унинг қамокқа олингани ва отув жазосига ҳукм қилинганини ҳам билмаганлар. Умуман, 1937-38 йилларда Жайдоқ қишлоғидан жуда кўпчилик қамокқа олинган бўлиб, улардан деярли ҳеч қайсиниси қамокдан тирик қайтмаган. Уларнинг тақдири нима бўлгани билан биров қизиқмаган. Тўғриси, қатағонга учраганларни сўраб-суриштиришга фарзандлари кўрққанлар. Хатто, биз уларни излаб борганимизда ҳам оталари ҳақида гапириб беришга даставвал чўчидилар. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси бизнинг аниқ мақсадимизни тушунтириб берганидан кейингина оталари ҳақида билганларини гапириб берди.

Ўрозов Ўрмоннинг ўғли Ўрозов Турсунбой тоға айтиб ўтганимиздек, отаси қамокқа олинган пайтда бир яшар бола бўлган, акаси Тўхтасин эса 7 ёшда бўлган. Улар оталари қамокқа олиниб, бедарак кетганидан кейин оналари Саодатхон ая қарамоғида қолганлар. Саодатхон ая қачондир эрим соғ-омон қайтиб келади деб умид билан яшаган ва бошқа турмуш қурмаган. Саодатхон ая аёл боши билан колхозга чиқиб кетмончилик қилган, пахтачилик бригадасида ошпазлик қилган. Оғир меҳнат ва машаққатли турмуш билан фарзандларини катта қилиб, уйли-жойли қилган.

Ўрозов Ўрмоннинг ўғиллари Тўхтасин ва Турсунбой тоғалар вояга етганларидан кейин колхозда ишлай бошлаганлар. Улар то пенсияга чиққунларига қадар колхозда турли юмушларни бажарганлар. Катта ўғли Тўхтасин тоға 2005 йилда вафот этган. У ҳам Жайдоқ қишлоғида яшаган, унинг 5 нафар фарзанди бор. Улар турли ишларда ишлайдилар.

Ўрозов Турсунбой тоға ҳозирда 75 ёшда, у пенсияга чиққунига қадар колхозда ишлаган, колхоз гаражида темирчилик қилиб, пенсияга чиққан. Унинг тўрт нафар фарзанди бор. Улардан иккитаси ўғил ва иккитаси қиз. Катта қизи Комилахон 1964 йилда туғилган, Наманган шаҳрига турмушга чиққан. Иккинчи фарзандлари Козимжон 1967 йилда туғилган, ҳозирда фермер хўжалигида тракторчилик қилади. Унинг 4 та фарзанди бор. Учинчи фарзандлари Ҳокимжон 1969 йилда туғилган, уланган, ҳозирда отаси билан бирга яшайди. Унинг 3 та фарзанди бор. Ҳокимжон Норин тумани санэпидстанциясида ишлайди. Тўртинчи фарзандлари Назокатхон 1973 йилда туғилган, шу қишлоққа турмушга чиққан, унинг учта фарзанди бор.

2. Эшматхўжаев Шерматқал - ЎзССР НКВД хузуридаги «учлик»нинг 1937 йил 13 сентябрдаги йиғилишида қатағон қилинган. «Учлик» таркиби ЎзССР Ички ишлар халқ комиссари Н.А. Загвоздин, ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети раиси ўринбосари Тўрабеков, ЎзССР прокурори Шейндинлардан иборат бўлган. 13 ноябрдаги №10 баённома ЎзССР НКВД 8-бўлими бошлиғи Бароненко томонидан ёзиб берилган. 13 сентябрдаги йиғилишда ЎзССР НКВД Андижон сектори тақдим этган 2692-сонли иш бўйича жами 24 маҳбус отувга ва 4 маҳбус 10 йилга қамок жазосига ҳукм қилинган.

Отувга ҳукм қилинганлар орасида Эшматхўжаев Шерматкал ҳам бор эди. Айбномада у ҳақида қуйидаги маълумотлар келтириб ўтилган:

Эшматхўжаев Шерматкал – 49 ёшда, (1888 йилда туғилган), Норин райони Қўрғонча қишлоғидан. Қулоқ, босмачи. 1933 йили қулоққа тортилган. Хибсга олингунга қадар Дибенко номли колхоз аъзоси. Учқўрғон аксилинқилобий гуруҳининг иштирокчиси. Яшиқ қишлоғида Отамирзаев уйидаги нолегал йиғилишларда қатнашиб Миридиевнинг аксилиниқилобий исёнкор чакириқларини қабул қилганликда, ўз зиммасига аксилинқилобий гуруҳ учун қурол олиш мажбуриятини олганликда айбланган.

Эшматхўжаев Шерматкал «учлик»нинг 1937 йил 13 сентябрдаги йиғилишида отув жазосига ҳукм қилинган.³⁴

Эшматхўжаев Шерматкалнинг авлодларини биз Норин тумани Қўрғонча қишлоғидан топиб, суҳбатлашишга муваффақ бўлдик. Советлар ҳокимияти даврида Қўрғонча қишлоғи Калинин номи билан аталган. Хозирда яна Қўрғонча номи қайта тикланган. Биз Эшматхўжаев Шерматкалнинг набираси Шерматов Маҳмуд ака билан учрашиб суҳбатлашдик. Шунингдек, Қўрғонча қишлоғида яшаётган қариялардан Ҳаким тоға ва Онарвой тоғалар ҳам Эшматхўжаев Шерматкал ҳақида билганларини гапириб бердилар. Уларнинг ҳикоя қилишларича Эшматхўжаев Шерматкал Эшматхўжа мингбоши деган кишининг ўғли бўлган. Эшматхўжа мингбоши чор Россияси даврида мингбоши лавозимида бўлган. Унинг катта ерлари ва бир нечта чорбоғлари ва кўплаб мол-қўйлари бўлган, уйда ўнлаб чорикорлар меҳнат қилган. Эшматхўжа мингбоши жуда қаттиққўл, шафқатсиз киши бўлган. У совет ҳокимияти ўрнатилишидан анча аввал вафот этиб кетган. Ундан қолган ерлар ва уй-жойлар большевиклар томонидан мусодара қилиниб, ерсиз кишиларга тақсимлаб берилган. Уйларига эса бошқа одамлар жойлаштирилган. Унинг ўғилларига кичик уй-жойлар қолган холос.

Туркистонда большевиклар ҳокимияти ўрнатилиб, ўлкада советларга қарши миллий истиқлолчилик ҳаракати бошланган пайтда Норин районида ҳам бу ҳаракат анча кенг тус олган. Айниқса, районнинг чекка қишлоқларида. Адирларга туташ бўлган тўқайзорларда босмачилар тўдалари фаолият олиб борган. Бу ҳаракатда Эшматхўжаев Шерматкал ҳам маълум муддат иштирок этган. Уларнинг босмачилик ҳаракатида иштирок этгани ҳақида набираси Маҳмуд ака гапирмади. Бу нарсани у биздан яширди, ёки бу ҳақида аниқ бир нарса билмас эди. Бу ҳақида қишлоқ оқсоқолларидан Ҳаким тоға ва Онарвой тоғалар гапириб бердилар. Хозиргача қишлоқларда миллий истиқлолчилик ҳаракати иштирокчилари хусусида салбий фикр мавжуд. Бунинг асосий сабаби босмачиларнинг тинч қишлоқ аҳолисига ҳам айрим пайтларда боскин қилиб турганидир. Биз суҳбатлашган қариялар босмачиларнинг ўз қишлоқларига ҳам келиб, одамлар уйини талаб кетгани ҳақида гапириб ўтдилар. Эшматхўжаев Шерматкалнинг босмачилик ҳаракатида иштирок этиши оталаридан қолган мол-мулкнинг советлар томонидан тортиб олиниши учун аламзадалиқдан бўлган, деб айтиб ўтди, Онарвой тоға. Шунингдек, Онарвой тоғанинг айтишича, Эшматхўжаев Шерматкалнинг “кал” деб лақаб олишига бир томондан унинг боши кал бўлгани, иккинчи бир томондан Шерматқўр лақабли босмачига уйқаш қилиб, Шерматкал деб аташган.

Норин туманида “босмачилик” ҳаракати тугатилганидан кейин Эшматхўжаев Шерматкал яна қишлоққа қайтиб келиб, яшай бошлаган. У даставвал ҳеч қандай жазога тортилмаган. Чунки уларга нисбатан умумий авф эълон қилинган эди. Коллективлаштириш даврида улар кўп қатори колхозга аъзо бўлганлар. Чунки уларнинг қўлида ортиқча ер ва мол-мулк қолмаган эди. Лекин Эшматхўжаев Шерматкал отаси каби қизиққон ва сержаҳл одам бўлган. Раҳбарларнинг гапига қулоқ солмаган,

³⁴ Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари (1937 йил 10 август – 5 ноябр). Иккинчи китоб. – Т.: “Шарқ”, 2007. 85-88-бетлар.

Ўзбошимча киши бўлган. Қишлоқдагиларнинг кўпчилиги уни ёқтирмаганлар. Шу сабабли ҳам у коллективлаштириш даврида кулоқ қилинган бўлиши мумкин.

Эшматхўжаев Шерматкал оммавий қатағонлар бошланган пайтда камоққа олинган. Унинг отув жазосига ҳукм қилинганини ҳеч ким эшитмаган. Тўғриси уни биров суриштирмаган ҳам. Унинг қатағон қилинишига ўтмишда босмачилик ҳаракатида қатнашганлиги асосий сабаб бўлган. Эшматхўжаев Шерматкал камоққа олинган пайтда 4 та фарзанди бўлган. Унинг хотинининг исми Инобатхон бўлган. Фарзандларидан учтаси ўғил, биттаси қиз бўлган. Ўғиллари Хасан тахминан 1903 йилда, Хамроали 1906 йилда, Раҳмонали 1912 йилда, қизи Шарофатхон 1909 йилда туғилган. Уларнинг ҳаммаси ҳозир вафот этиб кетган. Авлодлари ҳозирда Норин туманининг Қўрғонча, Бўз Ўлмас, Тошлоқ қишлоқларида яшайдилар. Биз суҳбатлашган Шерматов Маҳмуд ака Эшматхўжаев Шерматкалнинг иккинчи ўғли Раҳмоналининг ўғли бўлади. Шерматов Раҳмонали тоға узоқ йиллар колхозда экспедитор бўлиб ишлаган. У киши урушда ҳам қатнашган ва соғ-омон қайтиб келган. У 1984 йилда вафот этган. Ундан 5 та фарзанд қолган. Фарзандларидан учтаси қиз ва иккитаси ўғил бўлган. Биз суҳбатлашган Шерматов Маҳмуд ака Раҳмонали тоғанинг катта ўғли бўлиб, у 1948 йилда туғилган. Андижон бухгалтерия билим юртини битирган. Турли идораларда бухгалтер бўлиб ишлаган. 2008 йили Норин туман солиқ идорасидан пенсияга чиққан. Шерматов Маҳмуд ака турмуш ўртоғининг исми Ўғилхон ва уларнинг 6 нафар фарзандлари бор. Фарзандларидан учтаси ўғил ва учтаси қиз. Улардан бештасини уйлаб-жойлаганлар. Фарзандлари турли касбларда ишламоқдалар.

Шерматов Маҳмуд ака боболарининг номлари оқланиб, хотиралари абадийлаштирилаётганидан хурсанд бўлди. Чунки узоқ вақт уларнинг тили қисик бўлиб келган экан.

3. Абдурахимов Қўчқор Ўзбекистон Ички ишлар халқ комиссарлиги ҳузуридаги “учлик”нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилишида қатағон қирилган. Бу йиғилишда жами 112 махбус устидан ҳукм чиқарган, улардан 106 махбус отувга, 6 махбус 10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинганлардан бири Норин тумани Дўмар (китобда Тумор қишлоғи дейилган) қишлоғилик Абдурахимов Қўчқор эди. “Учлик”нинг 83-сонли баённомасида у ҳақида қуйидаги маълумотлар келтириб ўтилган:

Абдурахимов Қўчқор – 1916 йилда туғилган, Норин тумани Дўмар қишлоғидан, кулоққа тортилган, 1932 йилда Ўзбекистондан ташқарига сургун қилинган. Сургун жойидан қочиб келган. Ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. У аҳоли орасида доимий равишда мағлубиятчилик ва исёнчилик руҳидаги тарғибот олиб борганликда, деҳқонларни ҳукуматга қарши чиқиш учун бирлашишга чақирганликда айбланган³⁵.

Биз Норин туманининг Дўмар қишлоғида бўлиб, Абдурахимов Қўчқорнинг авлодларини излаб топа олмадик. Дўмар МФЙ раиси ва мактабдаги катта ёшдаги ўқитувчилар ҳам бу киши ҳақида маълумот билмаслигини айтдилар.

3. Қўчқаров Отамирза - ЎзССР НКВД ҳузуридаги «учлик»нинг 1937 йил 29 сентябрдаги йиғилишида қатағон қилинган. «Учлик» таркиби ЎзССР Ички ишлар халқ комиссари Н.А. Загвоздин, ЎзССР компартияси Марказий Комитети биринчи котиби У.Юсупов, ЎзССР прокурори Шейндинлардан иборат бўлган. 29 сентябрдаги йиғилишда ЎзССР НКВД Андижон сектори тақдим этган 6722-сонли иш бўйича Қўчқаров Отамирза 10 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 2 августдан ҳисобланган. Айблов ҳулосасида у ҳақида шундай дейилади:

³⁵ Қатағон қурбонлари (1938 йил февраль - сентябрь). Бешинчи китоб. Тузувчилар гуруҳи: Р. Шамсутдинов, Х. Қурбонов, Ж. Расулов, Ф. Эгамбердиев, У. Бекиметов. – Т.: “Шарқ”, 2009. – 252-бет.

Қўчқаров Отамирза 1912 йили туғилган, Норин райони Норинкапа қишлоғидан. Ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган. 1936 йилдан доимий равишда ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда, жиноятчи унсурлар билан алоқада бўлиб, бир неча марта қўлга тушганликда, бироқ қамоқдан қочганликда айбланган.³⁶

Биз изланишларимиз давомида Қўчқаров Отамирзанинг авлодларини топа олмадик. Норинкапа қишлоғида бўлиб, қишлоқдаги кекса кишилар ва маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари билан суҳбат ўтказганимизда у ҳақида бирорта киши аниқ бир маълумот бера олмади.

Хуллас, изланишларимиз давомида ушбу битирув малакавий ишда Наманган вилоятининг Норин туманидан қатағон қилинганлардан ўрганиш лозим бўлганлардан иккитаси ҳақида маълумот тўплашга эришдик. Уларни топишда бизга маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари яқиндан ёрдам бердилар. Шунингдек, Норин туманининг Жайдоқ, Тумор қишлоғи фуқароларидан Ҳаким тоға ва Онарвой тоғалар бизга кўп нарсаларни айтиб бердилар. Умуман, қатағон қилинганларнинг бугунги кунда ҳаёт бўлган авлодлари ва қишлоқ аҳли бизнинг улар тақдири билан қизиқиб, улар авлодларини излаб келганимиздан, уларнинг тарихи ўрганилаётганидан ниҳоятда хурсанд бўлдилар.

³⁶ Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари (1937 йил 10 август – 5 ноябр). Иккинчи китоб. – Т.: “Шарқ”, 2007. 151-бет.

ХУЛОСА

Советлар ҳукмронлиги йилларида амалга оширилган қатағонлар ўз хусусиятига кўра кенг кўламда ва оммавий равишда ўтказилган ва у жуда даҳшатли кечган. Айниқса, 1937-1938 йиллардаги қатағонлар жуда катта фожиаларга сабаб бўлди. Бу йилларда аҳолининг барча қатлам ва табақалари, ёшу қари баб-баравар қатағон қомига тортилди. Қатағондан айниқса оддий деҳқонлар катта жабр кўрдилар. 1937-38 йиллардаги қатағонлар бежиз «қулоқлар операцияси» деб аталмаган эди. Қатағонларнинг асосий объектини қишлоқ фуқаролари ташкил қилган.

Бу йилларда деҳқонлар ўз хусусиятига кўра қайта қатағонга учрадилар. Чунки, 1929-1932 йилларда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш даврида ҳам деҳқонлар оммаси қулоқлаштириш ниқоби остидаги қатағонни бошдан кечирган эдилар. Зотан, қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришнинг ўзи ҳам зўрлик ва қонунсизликлар асосида ўтказилган, ўзига тўқ хўжаликларни қулоқ қилиш эса оммавий қатағон тусини олган эди.

Мазкур битирув малакавий ишда советлар томонидан амалга оширилган қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва қулоқ қилиш жараёнидаги зўравонликлар, 1937-1938 йиллардаги қатағонлар ва унинг даҳшатлари Наманган вилоятининг Норин тумани мисолида кўриб чиқилиб, умумлаштирилди. Коллективлаштириш йилларида «қулоқ» хўжалиги сифатида тугатилган ва сургун қилинган кишилар ҳақида маълумотлар жамланди. Айтиш мумкинки, қулоқ қилинган кишилар ҳам аслида ўз меҳнати эвазига кун кечириётган деҳқонлар бўлган. Улар оила аъзолари билан бирга сургун қилинган. Битирув малакавий ишнинг иккинчи бобида 1937 йилда Норин районида қатағон қилинганлардан Ўрозов Ўрмон, Абдурахимов Қўчқор, Эшматхўжаев Шерматқал, Қўчқоров Отамирзаларнинг ҳаёт йўли ва аянчли қисмати ўрганилди. Улардан айримларининг авлодларини топиб суҳбатлашишга ва эсдаликларини ёзиб олишга муваффақ бўлдик.

Мавзуни ўрганиш натижасида амин бўлдикки, Ўзбекистонда совет ҳокимияти қарор топган дастлабки кунларданок ўзбек халқига нисбатан зўравонлик ва қатағонлар бошланган ва у мустабид тузум қулагунга қадар давом этиб келган. Айниқса, 1937-38 йилларда жуда кўплаб ватандошларимиз ноҳадан йўқ қилиб юборилган. Оддий қишлоқ аҳолиси деҳқонларга ҳеч қаерда йўқ сохта айблар қўйилиб, беайб отиб ташланган ёки узок муддатга қамок жазосига ҳукм қилинган. Уларнинг деярли барчаси ҳеч қандай айбсиз кишилар эди. Қамокқа ҳукм қилинганлар Россиянинг жуда чекка, совуқ ўлкаларидаги жазо лагерларига юборилган. Бу бегона жойлардан соғ-омон қайтиб келганлар жуда озчиликни ташкил қилган. Қамокқа ҳукм қилинганларнинг жуда кўпчилиги ўша лагерларда хору-зорликда ўлиб кетганлар. Биз битирув малакавий ишимизда тақдирини ўрганган Норин туманилик ватандошларимиздан биронтаси ҳам қамокдан қайтмаган. Хатто улардан хат ҳам келмаган. Уларнинг оила аъзолари ўз оталарининг тақдиридан беҳабар ҳолда бугунги кунларгача умид билан келдилар.

Мустабид тузумнинг қатағон сиёсатининг бутун даҳшатлари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигидан кейингина ошқор бўлди. Ноҳадан қатағон қилинган ватандошларимизнинг тарихи ва тақдирини ўрганиш, уларни номма-ном аниқлаш, хотираларини абадийлаштириш каби хайрли ишлар йўлга қўйилди. Бу каби ишларга Президентимиз И.А. Каримовнинг шахсан ўзи бош-қош бўлмоқда. Халқимизнинг узок йиллар кутган орзу-ниятлари рўёбга чиқмоқда. Ноҳадан отилган, қамалган ватандошларимизнинг авлодлари ўз оталарининг номлари қайта тикланганидан, уларнинг номи оқланиб, хотиралари абадийлаштирилаётганидан миннатдор бўлиб, мустақилликка шукроналар қилдилар.

Мазкур мавзуни ўрганиш асносида 1937-1938 йиллардаги қатағонларнинг нақадар даҳшатли кечганини, ундан жуда кўплаб кишилар жабр кўрганини билиш

мумкин. Бу даҳшатли даврни бошдан кечирган аждларимиз руҳи шод бўлиши учун ҳам бугунги мустақил давлатимизга муносиб кишилар бўлишимиз, унинг тараққиёти учун бор кучимиз билан хисса қўшишимиз лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: «Шарқ», 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
4. Халқ хотираси олдида бош эгамиз. Т.: «Шарқ», 2001.
5. Абдумажидов Р. Ҳаёт лабиринтлари (Одамлар ва йиллар). Биринчи китоб. – Т.: “Муҳаррир”, 2012.
6. Андижон тарихидан лавҳалар. Андижон, 2008.
7. Ватанимиз ўтмишидан. «ANDIJON NASHRIYOT-MATBAA», 2007.
8. Маҳмудов М. Қатағон қурбонлари. Т.: «Ўқитувчи», 1991.
9. Мирзобоев М., Абдумажидов Р. Норин. Т.: “Фан”, 2006.
10. Репрессия. 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск 1. /Сост.: Р.Т.Шамсутдинов, Н.Ф.Каримов, Э.Ю.Юсупов. – Т.: Шарқ, 2005.
11. Репрессия 1937-1938 гг. Документы и материалы. Под. ред. Н.Ф. Каримова. /Сост.: Р.Т. Шамсутдинов, Э.Ю. Юсупов, А. Мамажонов, Э. Дусматов. Выпуск 3. Жертвы большого террора из Узбекистана. 1937 год ноябрь. – Т.: «Шарқ», 2007.
12. Репрессия 1937-1938 гг. Выпуск 4. Жертвы большого террора из Узбекистана. 1937 год, декабрь. /Отв. ред. Каримов Н.Ф., Шамсутдинов Р.Т. //Сост.: Р.Т. Шамсутдинов, М. Абдуллаев, Э. Дусматов, Х. Курбанов. – Т.: Шарқ, 2008.
13. Среднеазиатский кишлак в годы большого террора. Документы и материалы. /Сост.: Р.Т.Шамсутдинов, Э.Ю.Юсупов, С.Хошимов, Э.П.Дусматов. – Андижан: Изд. АндГУ, 2007.
14. Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг. Документы и материалы. Том.1. /Сост. Р.Т. Шамсутдинов, Б.М. Расулов. Т.: «Шарқ», 2006.
15. Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари (1937 йил 10 август-5 ноябрь) Иккинчи китоб. –Т.: Шарқ, 2007.
16. Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиаи оқибатлари. – Т.: «Шарқ», 2001.
17. Шамсутдинов Р. Жертвы репрессии. Андижан, «Мерос», 1994.
18. Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун.(Ўрта Осиё республикалари мисолида) Т.: «Шарқ», 2003.
- 19.Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. – Т.: «Шарқ», 2001.
20. Шамсутдинов Р., ва бошқалар. Тарихнинг хасратли саҳифалари. Т.: «Шарқ», 2006.
21. Ўзбекистон ССР тарихи 3-том. Т.: «Фан», 1971.
22. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет муштамлакачилиги даврида. Т.: «Шарқ», 2001.
23. Қиличев Ф. Зулматдан садолар. Т.: «Адолат», 1994.
24. Қатағон қурбонлари (1938 йил февраль, сентябрь). Бешинчи китоб. /Таҳрир хайъати Р.Шамсутдинов ва бошқ. //Тузувчилар гуруҳи: Р.Шамсутдинов, Х.Қурбонов, Ж.Расулов, Ф.Эгамбердиев, У.Бекиметов. – Т.: «Шарқ», 2009.